O'ZBEKISTON RESP... MILLIY ... INV. №

**Da'vat**

*Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir.*

**Amir TEMUR**

Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan 2003-yil 8-oktabr, chorshanba № 81 (7586)

**Ibrat**

*Chust tumanidagi 19-maxsus maktab o'quvchilari yangi binoda ta'lim olish imkoniyatiga ega bo'lishdi. Ular uchun 150 o'rinli maktab binosi qurilib, foydalanishga topshirildi.*

# ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ





## Президент Ислом Каримовнинг янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги нутқи

Азиз дўстлар!

Бугун сизлар билан ўтказилаётган учрашувимизнинг асосий мақсади - ҳаётимизнинг ўзи, тез ўзгараётган замон олдинга сураётган долзарб бир масала устида фикр алмашишдан иборат.

Мендаги маълумотлар бўйича, мана шу учрашувга таклиф этилганларнинг аксарияти анчадан бери битта масала устида бош қотириб, бу борада тегишли идораларга чиқиш, мурожаат этишни муҳокама қилмоқда. Яъни, Ўзбекистон сиёсий майдонида янги партия тузиш ҳақида, унинг ғоя ва мақсадлари, таъсис ҳужжатлари, дастури хусусида муҳокамалар, баҳслар олиб борилляпти.

Албатта, бундай ташаббус Конституциямиз ва бошқа қабул қилган қонунларимиз доирасида, ҳар томонлама чуқур тайёрланиб, амалга ошириладиган бўлса, бунга, ўйлайманки, ҳеч ким қарши чиқмайди. Ва аксинча, бу таклифлар замиридаги мақсад ва интилишлар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, одамларимиз, аҳолимизнинг орзу-умидларига мос келадиган бўлса, охир-оқибатда халқимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат этса, айни муддао бўлади.

Бугунги учрашувда мана шу қараш ва ёндашувлар, ҳаракатлар бўйича атрофлича мулоҳаза юритиб, фикр алмашиб олсак, табиийки, бу ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Бугун эл-юртимиз кечираётган ҳаёт, давлатимиз, жамиятимиз олдига қўйган эзгу мақсадлар йўлидаги ҳаракатларимиз, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда танлаган бошқариш тизимини амалга ошириш борасида қўлга киритаётган ютуқлар, айни вақтда, шуни ҳам очиқ айтиш керак, ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат қуриш жараёнида дуч келаётган муаммолар ҳақида, ўйлайманки, барчангиз амалий фаолиятингиз мисолида яхши хабардорсиз.

Мен, имкониятдан фойдаланиб, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги ва эртанги босқичида сиёсий партияларнинг ўрни, мавқеи ҳамда вазифалари ҳақида тўхталиб, сиз, янги партия тузиш ташаббускорлари билан мамлакатимиз ҳаётида бу йўналишдаги мавжуд вазият бўйича очиқ гаплашиб олмоқчиман.

Ўйлайманки, бу ҳеч кимга сир эмас - ҳар қандай партия ва ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлиши, аввалambор, шу юрт ҳаётида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг, ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва қатламларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бошқача айтганда, ҳар қандай партия ёки ижтимоий ҳаракат, биринчи галда, аниқ ғояларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини аниқ тасаввур қиладиган, шу қарашларни олдинга сурадиган, ҳимоя қиладиган ва ҳаётга татбиқ этиш учун курашадиган куч сифатида майдонга чиқади.

Шу борада ўз-ўзидан аён бўлиши керакки, кўппартиявийлик шароитида ҳар қандай партия ва ҳаракат, жамият ва халқ орасида обрў топиш эвазига, аввалambор, сайловолди ва сайлов даврида ўз ғоялари, дастури ва амалий ишлари билан сайловчиларни ўзига эргаштира олиш ва кўпроқ овоз тўплаш ҳисобидан қонунчилик ва ижро ҳокимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва шулар орқали ўз олдига мақсад қилиб қўйган ғоя ва интилишларни амалга ошириш билан ўзини намоён қилиши табиий.

Шу талабларга жавоб бермайдиган, амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавойи интилишлар, фақатгина чиройли, лекин қуруқ даъват ва чақириқлар билан яшайдиган сиёсий куч эса - у партия бўладими, ижтимоий ҳаракат бўладими - охир-оқибатда инқирозга юз тутади ва халқ назаридан қолади. Бундай тизим ва ҳолат барча демократик давлатларда табиий бир ҳолга айланган.

Албатта, демократик жамият қуришга бел боғлаган ва бунга эришган давлатларда бирон-бир сиёсий кучнинг ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши, обрў қозониши учун, сиёсий партия ёки ижтимоий ҳаракат бўлиб шаклланиши учун, шубҳасиз, маълум вақт ва тажриба керак бўлганини кузатиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## ТАШАББУС ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 7 октябрь куни янги тузилаётган Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, умуман халқ фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Бугун мамлакатимизда 240 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Уларнинг саксон беш мингини фермер хўжаликлари ташкил этади.

Юртбошимиз бу ерга тўпланганлар янги партия тузиш ташаббуси билан чиққанини, бундай ташаббус Конституциямиз ва амалдаги бошқа қонунлар доирасида, ҳар томонлама чуқур мушоҳада билан амалга ошириладиган бўлса, уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини айтди.

Мустақиллик юртдошларимиз онгида катта ўзгаришлар ясади. Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик билан шуғулланишга кучли рағбат уйғонмоқда. Улар ўз иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Учрашувда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати фаоллари - Ўзбекистон либерал-демократик партиясини тузиш ташаббус гуруҳи аъзолари: «Пахтабанк» бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Тошкент шаҳридаги «Файз-барака» компанияси раҳбари М.Акромова, Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги бошлиғи И.Назаров, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ходими Ш.Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳимоялаш, соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги эътибори ва янги партия тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

**А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида**

**Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 октябрь.

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**БОҒЧА ФАҚАТ ЎЙИНГОҲ ЭМАС...** 4-бет

**«ИЛМ — УН НУЖУМ»** IX-X АСРЛАРДАН БИЗГА ҚАДАР ЕТИБ КЕЛГАН ЯНГИ ТОПИЛМА 5-бет

**ЭНГ ЯХШИ, ЭНГ ФАОЛ КИТОБХОН** 5-бет

**БИР ИМТИҲОН ТАҚДИРИ** 8-бет

**«НОРИН» СКАНВОРДИ** 8-бет

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### TASHRIF

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Gruziya Prezidenti Eduard Shevardnadzening taklifiga binoan 2003 yil 9-10 oktabr kunlari davlat tashrifi bilan Gruziyada bo'ladi. Tashrif chog'ida o'zaro munosabatlarning hozirgi ahvoli va istiqbollari, tomonlarni qiziqtirgan xalqaro muammolar muhokama etilishi hamda qator muhim hujjatlar imzolanishi rejalashtirilmoqda.

### OLIY MAJLISDA

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Kengashining navbatdagi yig'ilishida 2003 yilning noyabr—dekabr oylarida fuqarolarning o'zini-o'zi boshqarish organlariga saylov o'tkazishni tashkil etish to'g'risidagi masala ko'rib chiqildi.

### QAROR

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Kengashining «Fuqarolarning o'zini-o'zi boshqarish organlariga saylov o'tkazishni tashkil etish to'g'risida»gi Qarori e'lon qilindi.

### FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Birinchi marta ozodlikdan mahrum etishga sudlangan shaxslarning jazo o'tash sharoitlarini liberallashtirish to'g'risida»gi Farmoni va ushbu Farmonga sharh matbuotda e'lon qilindi.

### ELCHI TAYINLANDI

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga muvofiq Abdulaziz Komilov O'zbekiston Respublikasining Amerika Qo'shma Shtatlaridagi Favqulodda va muxtor elchisi etib tayinlandi.

### KO'RGAZMA

Toshkentdagi reabilitatsiya markazlarida davolanayotgan iqtidorli nogiron bolalar chizgan rasmlar ko'rgazmasi poytaxtimizdagi O'zbekiston—Yaponiya jamoatchilik markazida namoyish qilindi.

**Олий таълимда бакалаврликдан кейин давом этадиган магистратура таълими бўйича мамлакатимизда бошланган саъй-ҳаракатлар ҳақида ўйлаган киши бунинг юрт истиқболи, тараққиёти билан нақадар боғлиқ эканлигини дарров илғайди. Аввало, бизга таълимнинг янги босқичи сифатида кириб келган магистратурада ҳар қандай йигит-қиз ҳам ўқишни хоҳласа-да, унинг жиддий мезонлари бор. Илмий тадқиқот олиб боришга мойиллиги бўлган ёш кадр махсус синовлардан ўтгач, таълимнинг бу босқичига қабул қилиниши ва икки, уч йил ичида маълум мутахассисликни пухта эгаллаши мумкин.**

**2003 йилга қадар мамлакатимиз олий таълим муассасаларини 9225 нафар кадр магистрлик даражасида тамомлаган бўлса, уларнинг 368 та мутахассислик бўйича етук, билимдон, салоҳиятли эканлиги ҳақида бемалол хулоса чиқарсак бўлади. Чунки улар белгиланган таҳсил даврида ўша мутахассисликнинг "ипидан игнасигача" ўрганиб, бу билан кифояланмай, маълум мавзудаги тадқиқотларни ҳам ҳимоя қилишган. Янги асрни таълимдаги янги шакллар билан бошлаган Ўзбекистоннинг келажаги умидли эканлигини яна бир бор таъкидлагимиз келади. Зеро, янгиликлар бесамар кетмайди, унинг берадиган натижаларини эса вақт кўрсатади.**

*Istiqlolim — istiqbolim*

# ТАЪЛИМ, ТАДҚИҚОТ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### ЁХУД ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ХУСУСИДА

### ТАЯНЧ ДАРГОҲДА МАГИСТРАТУРА

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун саноат ривожланишининг устувор йўналишлари сифатида **тоғ-кончилик, энергетика, нефть ва газ, агросаноат комплекси, информацион технологиялар, машинасозликни айтишимиз мумкин.** Худди ана шу йўналишлар учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш талаб қилинади. Буларнинг деярли барчаси учун кадрлар тайёрлаб келаётган катта тажриба мактабини яратган Тошкент давлат техника университети миллий дастур талабларини бажаришга тезкорлик билан киришди. Бакалаврлик ўз йўлига, унинг узвий давоми сифатида магистратура учун янги давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалиётга жорий қилиниши илк қадам ёки янги босқич учун тадорик сифатида баҳоланади. Университетда магистратурада 2001-2003 ўқув йилида 57 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланган бўлса, навбатдаги ўқув йилида республика бозор иқтисодиёти саноатининг устувор йўналишлари талабларидан келиб чиқиб, 63 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш лозимлиги ойдинлашди. 2003-2004 ўқув йилидан эътиборан эса магистратура мутахассисликлари сони яна 2 тага кўпайтирилди. Ҳозирга қадар ушбу даргоҳнинг ма-гистрлик дипломини олишга 800 нафардан зиёд битирувчи муваффақ бўлишди. Кафедралар таркибини ёш ўқитувчилар ҳисобига кенгайтириш, уларнинг салоҳиятидан турли ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашда фойдаланиш учун ўтган ўқув йиллари мобайнида 100 дан зиёд магистр ассистентликка, аспирантура ва стажёрлик лавозимларида ишга олиб қолинди.

### ТАЪЛИМГА ҚАНДАЙ ЁНДАШИЛМОҚДА?

"Малакали кадр" деган атамани жуда кўп ишлатамиз. Сал янгича талқинда унинг ўрнини "рақобатбардош" сўзи эгаллайди. Чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, "рақобатбардош" дегани ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам оқилона иш тутадиган, қойилмақом қилиб ўз вазифасини уддалайдиган, энг замонавий билимларга эга кадрга нисбатан айтилади.

Магистратура, ҳар бир институт ёки университетда худди шундай кадрлар тайёрлаш буюртмасини олади. Бунинг масъулияти нисбатан, анча оғир. Номига, пала-партиш, "мендан кетгунча, эгасига етгунча" деган муносабат билан кадр тайёрлаб бериш ўша даргоҳнинг юзини ерга қаратиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Техника университетида магистратура таълимини ташкилий жиҳатдан пухта, илғор мамлакатлардаги даражага тенглаштиришга эътибор, фақат кейинги ўқув йилларида эмас, балки илк даврларданоқ қаратила бошланди. Аввало, юқорида таъкидлаганимиздек, магистр кадрларни тайёрлашга етакчи корхона ва вазирликлар буюртмаси билан киришилади. Нефть ва газ, энергетика, машинасозлик, ахборот ва компьютер технологияси, саноат корхона тармоқлари иқтисодиёти шулар жумласидан.

Кадр тайёрлашга шунчаки, мавжуд тажрибалар асосида ёндашиш бошқаю, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш бошқа. Бугун компьютер технологиялари кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Буни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан мустаҳкамловчи ҳукумат даражасидаги қарорларнинг қабул қилиниши ҳам тасдиқлаб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармони шу жиҳатдан характерлидир. Университет таркибида ана шу қарорда илгари сурилган вазифаларни бажариш мақсадида "**Компьютер ва ахборот технологиялари"** институти ташкил қилинди.

(Давоми 4-бетда).

# ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Hay’at yig‘ilishida**

Сўз боши салом, иш боши интизом, дейди доно халқимиз. Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимидаги ислоҳотларнинг самарали бориши, янгиликларнинг амалиётга тезроқ татбиқ этилиши кўп жиҳатдан ижро интизомига боғлиқ. Зеро, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам шу мақсадда қабул қилинган эди. Юқори ташкилотлардан келаётган хат-хабарлар, янгиликлар, топшириқларни жойларга тезкор етказиш ва улардан жавобни зудлик билан олишда ахборот коммуникацияларининг ўрни беқиёс аҳамият касб этмоқда. Илгари бирор хатни жўнатиб жавобини олишга ҳафталар кетган бўлса, эндиликда бу жараён бир неча дақиқаларда амалга оширилмоқда.

Яқинда Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган ҳайъат мажлисида айнан шу масала, яъни халқ таълими тизими бошқарув идораларида меъёрий ва ижрочиликка оид ҳужжатлар билан ишлашда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги масала Навоий вилояти мисолида кўриб чиқилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг юқорида номи тилга олинган қарори ҳамда 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 200-сонли қарорлари асосида бошқарув органларида ва ўқув муассасаларида таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш ва ижро интизомини мустаҳкамлашда ахборот технологияларини қўллаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Ушбу масалани бевосита жойида ўрганган Халқ таълими вазирлигининг масъул ходими Я.Мустафақулов Навоий вилояти халқ таълими бошқармасида мазкур қарорларда белгиланган вазифаларни бажариш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадида бошқарманинг махсус тадбирлари ишлаб чиқилганлигини таъкидлади.

Маълумки, 2002 йилда Вазирлик, ҳудудий бошқармалар, малака ошириш институтлари, педагогика институтлари ва вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар орасида ахборот алмашишнинг электрон почта технологиясига ўтилиши муносабати билан бу ташкилотлар вазирлик марказий аппаратининг ҳар бир ходими билан ўзаро ахборот алмашиш имкониятига эга бўлган эди.

Маърузачи ушбу тизим Навоий вилояти туман, шаҳар халқ таълими бўлимларида, Кармана туманидаги барча мактабларда, бошқа туманларнинг айрим мактабларида (жами 22 та) жорий этилганлигини эътироф этди. Шунингдек, у ўз сўзида бошқарма бўлимлари орасида ҳужжатларнинг ҳаракатини таъминлаш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармасининг локал тармоғи ишга туширилганлиги, 16 та компьютерни бирлаштириш имкониятига эга бўлган бу тармоққа ҳозир 8 та компьютер уланиб, фойдаланишга топширилганлиги, шунингдек, Хатирчи туманида ҳам локал тармоқ ишга туширилиб, унга 4 та компьютер уланганлигини айтиб ўтди.

Электрон почта ишга туширилмасдан олдин узоқ (300-350 км) масофада жойлашган Зарафшон шаҳри, Томди, Учқудуқ туманларига ҳужжатлар 1 ҳафтагача вақт давомида етказилган бўлса, ҳозирда ҳужжатларни бир неча минут ичида етказиш имкониятига эга бўлинди. Натижада жойларда ҳужжатнинг ижроси учун вақт етарли бўлса, иккинчидан, ортиқча қоғоз ишлатишга барҳам берилди. Учқудуқ, Томди туманларига ҳужжатни етказиш ва қайтариб олиш учун кетадиган вақт қисқартирилди.

Вилоятдаги таълим тизими бошқарув идораларида меъёрий ва ижрочиликка оид ҳужжатларни ижрочига етказиш, унинг ижросини таъминлаш ва бажарилганлиги тўғрисидаги ахборотни назоратчига етказишда тезкор алоқадан фойдаланиш — биринчи босқич бўлса, қабул қилинган ҳужжатларни рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва унинг ижроси қайд қилишни автоматлаштириш — кейинги босқич ҳисобланади. 2003 йилнинг август ойидан бошлаб, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва 11 та туман, шаҳар ХТБлари ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ташкилотлар компьютерларига АКИД, яъни барча турдаги ҳужжатларнинг бажарилишини автоматик равишда назорат қилиш программаси жорий этилди. Программа ўрнатилгандан кейин ҳужжатлар билан ишлаш, уни рўйхатга олиш, ижро муддатини назорат қилиш, ижро муддати яқинлашган ҳужжатлар тўғрисида ижрочига эслатма бериш, турли формаларда ҳисобот тайёрлаш ишлари енгиллаштирилди.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг масъул ходимлари иштирокида электрон почтани қабул қилиш ва узатиш ҳамда ҳужжатлар назоратини бошқариш тизими программасидан фойдаланиш мавзусида ўқишлар ўтказилди. Бошқарманинг ва таълим муассасалари фаолиятини ифодаловчи Веб-саҳифа яратилиб, қуйидаги манзилда: www:navxtb.by.ru. интернет тармоғига жойлаштирилди. Вилоятдаги туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари (жами: 27 та ташкилот) UZPAK провайдери орқали интернетга уланди.

2003 йил май ойидан бошлаб, Нурота туманидаги 1-мактаб, Конимех туманидаги хорижий тиллар маркази, Навбаҳор туманидаги 5-мактаб, Хатирчи туманидаги 14,17- мактаблар, Зарафшон шаҳридаги 1-гимназия, Навоий шаҳридаги 11-мактаб, Учқудуқ туманидаги 29-мактаб ва Навоий туманидаги 22-мактабларда Республика Давлат тест маркази билан компьютер алоқаси хизмати йўлга қўйилиб, битирувчи синф ўқувчиларининг олий ўқув юртига тайёргарликлари синаб кўрилмоқда.

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси, Халқ таълими вазирлигининг ДТСМ бошқармаси томонидан тақдим этилган махсус дастурлар ёрдамида 1999 йилдан бошлаб, 1999, 2000, 2001 йилларда бир мартадан, 2002 ва 2003 йилларда 2 мартадан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ДТС талабларига мослигини ҳамда мазкур кўрсаткичларга таъсир этган асосий омилларни аниқлашда ахборот технологияларидан фойдаланиб келмоқда. Халқ таълими вазирлигининг буйруғи асосида Навоий шаҳри, Навоий, Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманларида 6 тадан жами 30 та мактабда ДТС талаблари асосида 6505 нафар 7-8-синф ўқувчилардаги билим, кўникма ва малакалар аниқланган бўлса, 2003 йилда 30 та мактабдаги 6470 нафар 8-9-синф ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ДТС талабларига мослик даражаси ўрганилиб, мониторинг таҳлили тайёрланди.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд бўлган 375 та мактабдан 196 таси компьютерлаштирилган (52%), улардан 76 таси (жами компьютер паркининг 38%) IBM русумли компьютерлардир. Ўтган ўқув йили давомида таълим муассасаларининг 11 таси бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий русумдаги компьютерлар билан таъминланди.

Бундан ташқари вилоят халқ таълими бошқармасининг маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. 2003 йилда «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ҳомийлик ёрдами сифатида Нурота туманидаги 1-мактабга 1 комплект компьютер синфи, Конимех туманидаги Караката ширкат хўжалиги шу тумандаги 6-мактабга 1 комплект компьютер синфи ва Навоий давлат кончилик институти Хатирчи туманидаги 46-мактабга 2 дона персонал компьютер олиб беришган.

Ўқувчиларга компьютер сирларини ўргатиш бўйича 375 нафар педагог ходимлар фаолият юритмоқда. 2003 йилнинг биринчи ярим йили давомида 72 нафар ўқитувчи янги дарсликдан фойдаланиш бўйича қисқа муддатли курслардан ўтказилган бўлса, 30 нафар ўқитувчи 1 ойлик курсда малакасини оширишган. Бошқа ўқув фанлари ўқитувчилари малака ошириш курсларида янги ахборот технологияси бўйича 6 соатдан машғулотлар ўтказмоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бажарилган ишлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Жумладан, вилоятдаги барча турдаги ўқув муассасалари тўғрисида тўпланган маълумотлар базасини бошқарув тизими яратилмаган; туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари Веб-сайтларини яратиш ва Интернет тармоғида жойлаштириш амалга оширилмаган; вилоят ПҚТМОИда компьютер техникаси етишмаслиги сабабли (1 синф комплект IBM/486 ва 1 синф комплект Агат-9) машғулотларнинг бир қисми Навоий шаҳридаги 4 ва 11-мактабларда олиб борилади; малака ошириш курсларини режалаштиришда, вилоят ўқитувчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини бошқарув тизими (МББТ) яратилмаган, қайси ўқитувчи қачон малака ошириши зарурлиги оддий усуллар билан режалаштирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб вазирлик ҳайъат мажлиси Навоий вилояти халқ таълими тизими бошқарув идораларида меъёрий ва ижрочиликка оид ҳужжатлар билан ишлашда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича олиб борган ишларни қониқарли деб топди ва ВХТБ раҳбариятининг эътибори таъсирчан қўшимча чора тадбирлар белгилаш зарурлигига қаратилиши лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, вилояти халқ таълими бошқармасига 1 ой муддат ичида вилоятдаги барча турдаги ўқув муассасалари тўғрисида тўпланган маълумотлар базасини бошқарув тизимини (МББТ) жорий этиш, 2003 йил декабр ойига қадар туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг доимий янгиланиб борувчи веб-саҳифаларини яратиш ва Интернет тармоғида жойлаштириш топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларі, барча туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари раҳбарларига ҳам тегишли топшириқлар берилди. Жумладан, 2003 йилнинг 31 декабригача вилоят-туман ахборот алмашиш тизимининг электрон почта технологиясига ўтишини таъминлаш, 2003 йилнинг охиригача ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш (АКИД) программасини жорий этиш, 2004 йил феврал ойига қадар бошқармаларнинг, туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг доимий янгиланиб борувчи веб-саҳифаларини яратиш ва интернет тармоғида жойлаштириш, 2004 май ойигача бошқарманинг ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг локал тармоқларини ишга тушириш каби вазифалар топширилди.

Педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорларига эса 2003 йил 15 декабригача вилоят ўқитувчилари тўғрисидаги маълумотларни тўплаб, маълумотлар базасини бошқарув тизимини (МББТ) яратиш, уни доимий равишда янгилаб бориш, 2004 йил малака ошириш курсларини режалаштиришда мазкур маълумотлар базасидан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда мактаб раҳбарларини ва фан ўқитувчиларини мактаб бошқарувида ҳамда ўқув жараёнида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича жойларда ўқувлар ташкил этиш топширилди.

Халқ таълими вазири Р.Жўраев раислик қилган мазкур ҳайъат мажлиси якунида фаолиятлари ўрганилган Навоий вилояти Навоий шаҳри ва Кармана туманлари мисолида 2003 йил ноябрь-декабрь ойида «Бошқарув ҳужжатларини жойларга етказиш ва унинг бажарилишини назорат қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш» мавзусида амалий семинар ташкил этишга келишиб олинди.

**Жаҳонгир МУСАЕВ,**
**Халқ таълими вазирлиги**
**Матбуот маркази раҳбари**

*Фарғона шаҳридаги «Парвоз» номли мактаб- боғча мажмуаси тарбияланувчилари ушбу масканда тасвирий санъат сирларини ҳамда интернет тармоғига уланган замонавий компьютерларда ишлаш қоидаларини қунт билан ўрганишмоқда.Бунда уларга боғча тарбиячиси Дилнозахон Сотволдиева хизматлари катта.*

*Суратда: мактаб-боғча ҳаётидан лавҳалар.*

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**



# ДАРСЛИК МУАЛЛИФИ ДАРС БЕРГАНДА...

**Ehtirom**

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2001 йилдан бошлаб ўрта махсус билим юртларини тугатган мактаб ўқитувчиларининг маълумотларини ошириш мақсадида камида уч йиллик педагогик стажга эга бўлган кадрларни олий ўқув юртларига қабул қилиш ва бакалавриатда ўқитиш учун мамлакатимизнинг барча педагогика олий ўқув юртларида, хусусан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳам махсус сиртқи бўлим ташкил этилганди.

Менга ҳам ўша йили ушбу бўлим талабаси бўлишдек бахт насиб этди. Ҳозирда бўлимнинг бошланғич таълим ва тарбиявий иш факультетида учинчи курсда ўқияпман. Сиртқи бўлимда ўқишнинг ўзига хос мураккабликлари бор, албатта. Чунки бевосита ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишда талаба кўпроқ ўз устида ишлашига, келгусида асқотадиган билимларни кўпроқ мустақил равишда ўрганишига тўғри келади. Бундан ташқари, шубҳасиз, малакали, билимли устозларнинг сабоғи керак бўлади. Биз талабалар бу ерда айнан шундай меҳри дарё устозларга дуч келдик. Шулардан бири филология фанлари номзоди, “Бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар методикаси” кафедраси мудири Дилором опа Шодмонқулова бўладилар.

Хўш, опанинг бошқалардан ажралиб турадиган фазилатлари нимада? Аввало айтиш керакки, ёш талабанинг билимга чанқоқлигини бамисоли сувга ташна гиёҳга қиёслаш мумкин. Агар унга вақтида сув берсангиз, парвариш қилсангиз мўл ҳосил оласиз. Акс ҳолда эккан уруғингизга куясиз. Опа талабаларни доимо яхши ўқишга, одобли бўлишга чақиради. Аммо қуруқ даъватлар билан иш битмаслигини яхши биладилар. Шу маънода у киши дарс жараёнида, мавзуларни ифода этишда талабаларни қизиқтириш йўлларини қидиради. Устоз ўқувчиларга мавзуни шу қадар оддий ва содда қилиб тушунтирадики, тингловчи буни дарров илғаб олади.

Дилором опа бундай маҳоратга қандай эришганларини, умуман, бугунги кунда таълим соҳасидаги аҳволга муносабатларини сўраганимизда у киши шундай жавоб берди:

— Бизда ҳозир интерфаол усул хусусида кўп гапирилаяпти, мен ўз педагогик тажрибамда азалдан шунга суянаман. Талаба ва ўқитувчи, аввало, бир-бирини тушуниши керак. Акс ҳолда ҳар қанча уринмайлик, у кўзланган самарани бермайди.

Опанинг гаплари бежиз эмас. Зеро, Дилором Шодмонқулова чорак асрдан буён илм-фан йўлида заҳмат чекиб келаётир. Дарвоқе, опа 1978 йилда айнан шу университетнинг филология факультетини битириб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида ўз фаолиятларини бошлаганлар.. Аспирантура, номзодлик ҳимояси, дарсликлар ва монографиялар устида ишлаш... Х.Ғуломова ва Ш. Йўлдошева, Р.Икромова билан Д.Шодмонқулов ҳамкорлигида яратилган умумтаълим мактабларининг тўртинчи синф ўқувчилари учун “Она тили” дарслиги, маданият институтлари учун “Ўзбек тилининг адабий грамматикаси” дарслиги устозимизнинг нақадар кенг қамровли олим эканлигидан далолат бериб турибди.

**Гулчеҳра НАБИЕВА,**
**ТДПУ махсус сиртқи бўлими талабаси**

# ТОЖИК МАКТАБЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНИШ

## унда қандай муваффақиятга эришса бўлади?

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин мамлакатимиздаги таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фанининг ўқитилиши бошланди. Тошкентда “Тил ва адабиёт таълими” журнали қошида “Ўзбек тили маркази” ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги таълим рус, тожик, туркман, қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, аудио ва видео кассеталар ҳамда компьютер дастурлари ана шу марказда фаолият кўрсатаётган олим ва методист ўқитувчилар томонидан ёзилмоқда. 2000 — 2002 йиллари рус, қорақалпоқ, туркман ва тожик мактаблари учун ўзбек тили дарслигининг ёзилиши ва ўқитиш учун тавсия қилиниши тил марказининг фаолиятидир.

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳудудидаги таълим тожик тилида олиб бориладиган мактабларда давлат тилини ўқитишнинг асосий муаммоларидан бири ана шу дарсликлар ва дастурларнинг ўқувчи ва ўқитувчиларнинг қўлида йўқлигидир.

“Ўзбек тили” фанининг ўқитилиши туман халқ таълими бўлими тавсиясига биноан ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун ёзилган дарсликлар асосида йўлга қўйилган. Лекин, барибир, давлат тили фани ўқитувчилардан ижодкорлик ва изланишни талаб қилади. Тожик мактабларида давлат тили ўқитилишининг асосий муаммоларидан яна бири ўқувчиларни тўғри ўзбекча талаффузга ўргатиш ва уларнинг сўз бойлигини оширишдир. Чунки ўқувчи ҳар бир сўзни, иборани ва гап турларини тўғри талаффуз қила олмаса, уларни ўз ўрнида ишлатишни билмаса, ўзбек тилида ўз фикрини тўғри баён эта олмайди ҳам. Тўғри талаффузга ўргатишни бошланғич синфлардан бошласак, дарсимизнинг самарадорлиги юқори бўлади. Бошқа мактабларга қараганда давлат тилини ўқитишга таълим тожик тилида олиб бориладиган мактабларда имкониятлар кўп. Чунки ўқувчиларнинг она тилидаги сўз ясалиш усуллари, луғат бойликлари, имло қоидаларнинг кўпи ўзбек тилида мавжуд. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, тарихан ўзбек тилига тожик тилининг, тожик тилига ўзбек тилининг таъсири, айниқса, сўз ясалиши ва ўзлашувида кучли бўлган. Масалан, тожикча душанбе, сешанбе, чоршанбе каби ҳафта кунларининг ёзилиши ўзбек тилида душанба, сешанба, чоршанба шаклида ёзилишини ўргатиб борсак, имло хатолари бўлишининг олдини оламиз. Масалан, тожикча - дор, - каш, - соз, - кор, - паз, - дош, - хона, - шунос, - боз, но-, сер-, - парвар қўшимчалари ёрдамида ясалган кўпгина сўзлар ўзбек тили луғат бойлигининг фаол қўлланилувчи сўзлари сирасига киради.

Юқорида санаб ўтилган қўшимчалар, аффикслар ўзбек тилида фақат қўшимча сифатида қабул қилинган. Лекин ўқувчининг она тилида бу қўшимчаларнинг айрими ҳам қўшимча, ҳам луғавий маъно англатадиган сўз, буйруқ майли ҳосил қилинган феъл шакли ва сўз ясалишда қўшма сўзнинг бир қисми деб айтилади.

Ўзбек тили дарсларида эгалик ва келишик қўшимчаларини ўргатишда икки қардош тилдаги фарқли томонларни кўрсатиб борсак, бу грамматик шаклларни ўрганишда осон бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги - да ўрин-пайт келишиги қўшимчаси тожик тилида -дар тарзида ишлатилишини; - ни тушум келишиги қўшимчаси тожик тилида - ро шаклида ишлатилиши; - лар кўплик қўшимчаси тожик тилида - ҳо, - гон шаклида қўлланилиши ҳақида маълумот берсак, ўқувчининг нутқидаги хатолар камаяди.

Ўзбек тили фанининг ўқитилишига доир Бухоро ва Самарқанд шаҳар мактаблари ўқитувчиларининг дарс жараёнида қиёсий грамматикадан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиб, қуйидагиларни баён қилишни лозим топдик. Дарсларда қиёсий грамматикадан фойдалансак, дарсларимиз самарадорлиги ошиб, ўқувчиларнинг бу фанга бўлган қизиқиши ортиб боради. Хусусан, давлат тили фани атамаларини ўқувчининг она тилидаги муқобил атамалари билан қиёслаб тушунтириш, ўзбек ва тожик тилларидаги ўхшатишлар ҳамда фарқларни ўқувчига етказиш, бу ишни кўргазмали материаллар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, синтаксис: гап бўлаклари — аъзоҳои жумла, эга — мубтадо, кесим — хабар, тўлдирувчи — пуркунанда, аниқловчи — муаянкунанда, ҳол — ҳол, содда йиғиқ гап — жумлаи соддаи. Хуллас, содда ёйиқ гап-жумлаи соддаи тафсилй, икки бош бўлакли гап, жумлаи соддаи дутаркиба, бир бош бўлакли гап — жумлаи соддаи яктаркиб кабилар тўғрисида тожик мактаблари ўқувчилари мукаммал билиб қўйсалар нур устига аъло нур бўларди. Бундан ташқари, сўз бирикмалари — иборoҳо, ҳоким сўз — калимаи асосй, тобе сўз — калимаи ёридиҳанда, уюшиқ бўлакли гаплар — жумлаҳои чидааъзо, ундалма — мухотаб; қўшма гап — жумлаи мураккаб, боғланган қўшма гап — жумлаи мураккаби пайваст, эргашган қўшма гап — жумлаи мураккаби тобеъ, кўчирма гап — нутқи айнан нақлишуда, муаллиф гапи — сухани муаллиф каби атамаларнинг ҳар икки тилда ҳам ифода этилишига эътиборни қаратиш лозим. Шунингдек, лексикология (сўзшунослик) — калимашиносй, сўзнинг ўз маъноси ва кўчма маъноси — маънои аслий ва мажозий калима, атамалар — истилоҳот(вожаҳо), маҳаллий сўзлар — калимаҳои шевагй, тарихий сўзлар — калимаҳои кўҳна, кенг қўлланишли ва тор қўлланишли сўзлар — калимаҳои маъмул ва номаъмул, маънодошлар — муродифот, зид маъноли сўзлар — калимаҳои зидмаъно, шаклдош сўзлар — омонимҳо ва бошқалар.

Гарчанд ўзбек ва тожик тили фанларининг қиёсий грамматикаси яратилмаган бўлса-да, ҳамкорликда республикамиз зиёлилари газетаси “Маърифат”га кўпроқ обуна бўлиб, дарс жараёнида ундан фойдалансак, давлат тили фанининг вазифаларидан бири бўлган ўқувчиларда таржимонлик кўникмаларининг пайдо бўлишига пухта замин яратган бўламиз.

**Самад САФАРОВ,**
**олий тоифали ўқитувчи,**
**“Мустақиллик” кўкрак нишони соҳиби**

**2003 yilda eng yuqori ko'rsatkich Namangan viloyatida qayd etildi — 98 foiz, shu yili Jizzax viloyatida 81 foiz, Buxoroda 80 foiz, Navoiyda 78 foiz, Toshkent shahrida 74 foiz bitiruvchilar oliy ta'lim muassasalarida o'qishni davom ettirishga erishdilar.**

**Uydan chiqmasdan turib ta'lim olish bu vaqtni, mablag'ni tejaydi. "Telematika" kafedrasida ana shu mavzu ustidagi tadqiqot boshlangan.**



Maktabgacha ta'lim

# БОҒЧА ФАҚАТ ЎЙИНГОҲ ЭМАС...

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” иккинчи босқичининг сифат босқичи, деб эълон қилиниши республикамиздаги барча мактабгача таълим муассасалари олдига таълимни ташкил қилишнинг самарадор ва таъсирчан усулларидан фойдаланиш, илғор педагогик технологияларни мактабгача таълим-тарбия жараёнига олиб кириш, ҳозирги замон талаблари даражасидаги дастур, вариатив ўқув қўлланмаларини яратиш, машғулот жараёнида замонавий техник воситалар, аудио, видео кассеталардан, интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали таълим-тарбияда юксак сифат ва мазмун кўрсаткичларига эришиш каби долзарб масалаларни кўндаланг қилиб қўйди.

Узвийликни таъминлаш мақсадида мактабгача таълим тизимининг асоси, яъни пойдевор сифатидаги ўрни унинг таълим-тарбия жараёнини мунтазам такомиллаштириш, хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибаларидан ижодий фойдаланган ҳолда юқори самара берадиган, давр талабларига ҳамоҳанг ўқув дастур ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш асосий вазифа ҳисобланади.

Мактабгача таълим ходимларига методик хизмат турларини бир “марказ”га тўплаб, унинг моддий техника базасини ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Мактабгача таълим раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика ўқув-методика марказининг ташкил этилиши ушбу вазифаларни сифатли ва изчиллик билан бажариш имкониятини беради.

Бугунги кунда марказ ўзига яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, мактабгача таълим муассасаси педагогларига илмий-услубий хизмат кўрсатиш, катта дидактик жиҳатдан имкониятларга эга бўлган ўйинчоқлар ва ўйин воситаларининг янги авлодини яратиш, уларни оммавий тарзда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мактабгача таълим муассасаларидаги илғор иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш, мактабгача таълим муассасалари иш самарадорлиги устидан мониторинг олиб бориш каби 6 йўналишда фаолият юритмоқда.

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика ўқув-методика маркази юқорида қайд этилган долзарб масалаларни ҳал этиш мақсадида мактабгача таълим муассасалари учун қатор дастур, тавсия ва қўлланмалар яратди.

Улар болаларга янгича таълим бериш усулларини амалиётга жорий этиш, уларни болалар онгига қай даражада сингдирилишини акс эттиришга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Марказ дастур ва методик қўлланмаларни яратиш билан бирга, вилоятлардан келган раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўналишида ҳам унумли ишларни бажараяпти. Яъни, малака ошириш жараёнида тингловчилар билан давра суҳбатлари, баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, фикрлар ҳужуми, кластер, инсерт усулларидан фойдаланиб дастур ва қўлланмалар моҳиятини тингловчилар онгига содда, қулай, қизиқарли йўллар орқали сингдиришга ҳаракат қилинади.

Мактабгача таълим муассасаси педагогининг вазифаси болани ўйин орқали фақат вақтини қизиқарли, хушчақчақ ўтказиш эмас, балки машғулотлар жараёнида уларнинг билимини бойитиш, ўз кучига ва имкониятига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш кўникмасини шакллантиришдан ҳам иборатдир. Бунинг учун ўтказиладиган машғулот ва ўйин фаолиятларини ташкил қилишда энг илғор иш усуллар, шу жумладан, ИМЕН, М.Монтессори усулларини кенг ва ўз ўрнида қўллаш ижобий натижалар беради.

Эътироф этиш керак, мактабгача таълим муассасаларида барча таълимий ва тарбиявий жараёнлар бола қалбига ўйин орқали кириб келади. Бироқ ўйин бола учун вақт ўтказиш, эрмак манбаи эмас, балки бола диққати, хотираси, ижодий тафаккури, тасаввури ва билимини ўстиришга ҳам хизмат қиладиган воситадир. Бу жиҳатлар боланинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ўйин жараёнида болалар янги билим, малакаларни эгаллайдилар, қобилиятларини ривожлантирадилар. Мактабгача таълим масканларида ўйин бошқарувчи фаолият ҳисобланиб, таълим-тарбия жараёни у билан ҳамоҳангдир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар бир ўйин замирида муайян тарбиявий мақсад ётади.

“Болаларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий ўйинлардан фойдаланиш” қўлланмаси ўз мазмунига кўра мактабгача таълим муассасаларига қамралмаган болаларни мактаб таълимига тайёрлашда ота-оналар оила шароитида қўллаши мумкин бўлган ўйин-машқлардан иборат. Бу ўйинлар турли ёш босқичларида болалар билан мунтазам равишда, мақсадли олиб борилса, уларни мактаб дастурини онгли ўзлаштиришлари, янги ижтимоий ҳолатга осон мослашувлари таъминланади. Улар амалий жиҳатдан қулай бўлиб, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш имконини беради. Тавсия этилаётган ривожлантирувчи ўйинлар ўзининг ўтказилиши жиҳатидан содда, ҳам ноанъанавийлиги билан боғча руҳшунослари, тарбиячилари, маҳаллалар қошидаги ёш оналар мактаби тингловчилари учун қўл келади.

“Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг давлат талаблари асосида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларига қўйилган минимал талабларни амалиётда қўллаш” методик қўлланмасида давлат талаблари асосида болаларнинг чақалоқлик давридан то мактабга боргунга қадар жисмоний ривожланиши, нутқи ва тафаккури ҳамда маънавий етуклик даражаси бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал ҳажми берилган. Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талабларини амалиётга татбиқ этиш кенг кўламли иш бўлиб, у босқичма-босқич амалга оширилади. Болаларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳар бир ўқув йили якунида таянч дастурида келтирилган талаблар асосида назорат машғулотлари орқали текшириб бориладди. Ушбу қўлланмадан мактабгача таълим муассасаларида, оилаларда, ташхис марказларида фойдаланиш мумкин.

Оила шароитида, қисқа муддатли гуруҳларда, мактаб қошидаги тайёрлов, шанба, якшанбалик ва бошқа ноанъанавий гуруҳларда қўллаш учун “Болаларни мактабга тайёрлаш дастури” 5—7 ёшли болаларни мактаб таълимига ҳар томонлама тайёрлашда тарбиячилар ва ота-оналарга муҳим қўлланмадир. Ушбу дастурда “мактабга тайёргарлик” тушунчаси болани мактабга тайёрлашнинг жисмоний, руҳий, ақлий ва махсус тайёргарлик йўналишларини ўз ичига олади.

Мактабгача ёшдаги болалар учун “Истиқлол фарзандларимиз” номли қўлланмада турли мавзулардаги шеърлар, болаларнинг товушларни тўғри, аниқ, равон талаффуз қилишлари учун машқлар берилган. Шунингдек, қўлланмада авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий мавсумий ўйинлар, ўқиб бериш учун ҳикоялар, топишмоқлар берилган бўлиб улар ота-оналар ва тарбиячиларнинг болаларга бадиий адабиёт, нутқ ўстириш, теварак-атроф билан таништириш, табиат машғулотларида болаларга ўқиб ва айтиб беришларида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.



“Ёш оналар мактаби” дастурида болалари МТМларга қатнамайдиган ёш оналарни мактабгача ёшдаги болаларнинг, жисмоний, нутқий ва маънавий ривожланиши, ёш хусусиятлари билан таништириш, уларни парвариш қилиш ҳамда ўз вақтида таълим-тарбия беришнинг аҳамияти, вазифалари, мазмуни ва уларни амалга ошириш йўлларини ёритиб берувчи дарс мавзуси, режаси, ҳамда қисқача мазмуни акс эттирилган.

“Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўргатиш дастури” ва “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун инглиз тилидан ўқув-услубий қўлланма”да болаларни ўрта, катта тайёрлов гуруҳларида инглиз тилини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари акс эттирилган. Дастурда ҳар бир ёш гуруҳида йил давомида ўтиладиган мавзулар, болаларни тилни ўзлаштириш даражаларини текшириш учун саволлар, ўтказиладиган машғулотлар ишланмалари, ашула, шеърлар, ноталар тўплами берилган.

Болаларни мактабга тайёрлаш, оналарга ёрдам кўрсатиш мақсадида бир қатор давлат ва нодавлат МТМлар ташкил қилинган. Улар: шанба, якшанбалик мактаблари, қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлар, маҳаллалар қошидаги “Она ва бола” марказлари, хонадон боғчалари ва хусусий мактабгача таълим муассасаларидир. Мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган мутахассисларга ёрдам тариқасида алоҳида дастур ва қўлланмалар тайёрланди.

“Оналарга тавсиялар” номли рисола оиладаги она ва бола муносабатлари ривожланишининг асосий даврлари: илк болалик, мактабгача ёш даврида учраши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилган тавсиялар мажмуидан иборат. Ундан ота-оналар, фаолияти бевосита оила муаммолари билан боғлиқ бўлган маҳалла фаоллари, МТМ тарбиячилари ўз фаолиятларида фойдаланишлари айни муддаодир.

“Туғилган кундан бир ёшгача бўлган фарзандлар тарбияси” ота-оналар учун услубий қўлланма сифатида хизмат қилади. Қўлланмада болаларни туғилган кунидан то бир ёшгача бўлган даврида парвариш қилиш, чиниқтириш, жисмоний машқлар бажариш, нутқини тарбиялаб боришнинг зарурлиги, сенсор тарбияси, ўйин ва ўйинчоқлар билан таништиришнинг йўл-йўриқлари келтирилган. Шунингдек, ўйинлар ўтказиш учун эркалама ва овутмачоқлар берилган.

“Ёш оналар мактаби” дастурида болалари таълим муассасаларига қатнамайдиган ёш оналарни мактабгача ёшдаги болаларнинг, жисмоний, нутқий ва маънавий ривожланиши, ёш хусусиятлари билан таништириш, уларни парвариш қилиш, шунингдек, ўз вақтида таълим-тарбия беришнинг аҳамияти, вазифалари, мазмуни ва уларни амалга ошириш йўлларини ёритиб берувчи дарс мавзуси, режаси ҳамда қисқача мазмуни акс эттирилган.

“Боланинг мактабга психологик тайёрлиги” методик тавсиясида ота-оналар ва мактабгача таълим мутахассисларига болани мактабга қандай тайёрлаш, уларга нималарни ўргатиш кераклиги ҳақида маслаҳат берилади. Рисолада ота-оналарга болаларнинг мактабгача бўлган ёш давридаги психик ривожланиш жараёнини қандай очиб берилиши, боланинг мактабга психологик мослашувидаги қийинчиликлар, унинг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган.

Ушбу нашр этилган дастур ва ўқув қўлланмалар мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимлари, педагоглари иш жараёнида фойдаланадиган ва ўз устида ишлаш имкониятига эга бўладиган назарий ва амалий материаллар сифатида қўл келади. Шу ўринда айтиш керакки, бу қўлланмаларнинг мантиқий давоми сифатида яна 4 та қўлланма чиқариш учун ҳаракатлар бошлаб юборилган. Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасаси фақат ўйингоҳгина эмас, балки болаларни ҳар томонлама ривожланишида, билим, кўникма, малакаларни эгаллашида асосий ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

**Манзура СОЛИҲОВА,**
**Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика ўқув-методика маркази директори**

# АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ БИТИРУВЧИЛАРИ

**олий таълим муассасаларида уларнинг сафи тобора кенгаймоқда**

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — таълим тизимини ўтмишдан қолган мафкуравий қараш ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдан иборат. Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида республикамиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ҳам қатор янгиланиш ва ўзгаришлар юз бермоқда. Сўнгги йилларда таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни фаоллашиб, янги педагогик технологиялар ва замонавий дарс бериш усулларининг татбиқ этилаётганлиги боис ижобий натижаларга эришилмоқда. Бунга республикамиздаги академик лицейларни тамомлаган ўқувчиларининг сўнгги уч йил мобайнида олий таълим муассасаларига кириш даражаси ўрганилганда яна бир карра амин бўлдик.*

*Аввало, шуни айтиб ўтиш лозимки, ўтган 3 йил мобайнида академик лицейларни 8316 нафар ўқувчи битириб чиқди. Ўтган уч йил мобайнида академик лицейни тамомлаган ёшлар орасидан 2001 йилда 614 нафар, 2002 йилда 2478 нафар, 2003 йилда эса 1812 нафари олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришга муваффақ бўлдилар.*

**Tahlil**

*Таҳлилларга кўра, вилоятлар миқёсида энг кўп олий таълим муассасаларига ўқишга кирган ўқувчилар сони 2001 йилда Хоразм вилояти (64 фоиз), Тошкент шаҳри (54,8 фоиз), Фарғона (48 фоиз) ҳамда Навоий вилоятларида (49 фоиз) қайд қилинди. 2002 йилда биринчиликни Навоий вилояти (77 фоиз) эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни Фарғона (73,4 фоиз), Хоразм (65 фоиз) вилоятлари эгаллашди. 2003 йилда энг юқори кўрсаткич Наманган вилоятида қайд этилди — 98 фоиз, шу йили Жиззах вилоятида 81 фоиз, Бухорода 80 фоиз, Навоийда 78 фоиз, Тошкент шаҳрида 74 фоиз битирувчилар олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришга эришдилар. Ушбу юқори кўрсаткичлар мазкур вилоятларда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув жараёни самарали ташкил этилганлигидан далолат беради.*

*Республикамиз миқёсида академик лицей битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш даражаси 2001 йилда 44,3 фоиз, 2002 йилда 57 фоиз, 2003 йилда эса 70 фоизни ташкил этди.*

*Бундан кўриниб турибдики, йил сайин академик лицейларни битириб, олий таълим муассасаларига кирувчи ўқувчиларнинг сони ортиб бормоқда.*

*Шу ўринда, академик лицей битирувчиларининг олий таълим муассасаларига киришда энг паст кўрсаткичга эга бўлган вилоятларни ҳам кўрсатиб ўтсак. Зеро, ушбу салбий кўрсаткичлар мазкур вилоятларда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси масъул ходимларини бироз сергаклантирса, ажаб эмас. Демак, 2001 йилда энг паст кўрсаткич Сирдарё ва Жиззах вилоятларида қайд қилинди — 32 фоиз. 2002 йилда Тошкент вилоятининг бор-йўғи 18 фоиз, Сурхондарё вилоятининг эса 22 фоиз, Қашқадарё вилоятининг 26 фоиз академик лицей битирувчилари олий таълим муассасаларига кирди, холос. 2003 йилда энг паст кўрсаткич Сурхондарё вилоятида қайд этилди — 43 фоиз. Шу йили Қашқадарё вилоятида 47 фоиз, Тошкент вилоятида 48 фоизни ташкил этди.*

*Уч йиллик тадқиқотлар давомида вилоятлар миқёсида олий таълим муассасаларига ўқишга кириш мақсадида тест синовларида қатнашган битирувчилар салмоғи ҳам ўрганилди. Қуйида вилоятлардаги академик лицей ўқувчилари энг юқори кўрсаткичларга эришган.*

*2001 йилда Сирдарё вилоятида 22 ўқувчидан 22 нафари, Хоразм вилоятида 67 ўқувчидан 67 нафари, Қашқадарё вилоятида 75 ўқувчидан 74 нафари, Самарқанд вилоятида 94 ўқувчидан 92 нафари тестда қатнашган. 2002 йилда эса Қашқадарё вилоятида 139 ўқувчидан 138 нафари, Самарқанд вилоятида 153 ўқувчидан 152 нафари, Наманган вилоятида 179 ўқувчидан 177 нафари олий таълим муассасасига ҳужжат топширган. 2003 йилда Бухоро, Навоий ҳамда Тошкент вилояти битирувчиларининг 100 фоизи “Абитуриент-2003” танловларида иштирок этди.*

*Энди, академик лицей битирувчилари орасида олий таълим муассасаларига ҳужжат топширишда паст кўрсаткичларни қайд этган вилоятлар хусусида тўхталсак. Демак, 2001 йилда Андижон вилоятида 145 ўқувчидан 128 нафари, Бухоро вилоятида 171 ўқувчидан 159 нафари, Сурхондарё вилоятида 185 ўқувчидан 106 нафари тестда иштирок этган бўлса, 2002 йилда, Андижон вилоятида 416 нафар ўқувчидан 390 нафари, Сирдарё вилоятида 283 ўқувчидан 253 нафари, Тошкент шаҳрида эса 1895 ўқувчидан 1725 нафари тестда қатнашган.*

*2003 йилда вилоят академик лицей битирувчилари орасида тест синовларида иштирок этмаганлар деярли бўлмади.*

*Аслида таълим муассасаларининг рейтингини битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, абитуриент бўлиши билан эмас, балки тест синовларида муваффақиятли иштирок этиши билан белгиланади. Республикамиз вилоятларидаги академик лицейларни тамомлаган ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларига муваффақиятли равишда ўқишга кириши борасидаги рейтингда 2001 йилда Хоразм вилояти биринчиликни (64 фоиз) эгаллаган бўлса-да, жорий йилда 3-ўринга тушиб қолди. 2002 йилда энг юқори натижани Навоий вилояти (77 фоиз) кўрсатган бўлса, 2001-2003 йилларда ушбу вилоят 4-ўринни банд этган. 2003 йилда Наманган вилояти 1-ўринга (98 фоиз) кўтарилиб олди.*

*Юқоридаги кўрсаткичлар академик лицей битирувчилари орасидан олий таълим муассасаларининг талабалари сафи кенгайиб бораётганидан далолат беради.*

*Академик лицей ўқувчиларининг билим савияси қанчалик юқори бўлса, унинг малака тавсифи ҳам ортиб боради. Шунингдек, ўқувчининг илмий-техника ижодкорлиги ҳам эрта куртак ёзади. Шу боис, бугунги таълим соҳаси ва илмий тадқиқотчиларимиз олдида турган галдаги вазифа, ушбу омилларни ечишга қаратилган долзарб мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш йўлларини излаб топишдан иборатдир.*

**Райҳон САРСЕНБОЕВА,**
**ЎМКҲТ ривожлантириш институти катта илмий ходими**

# ТАЪЛИМ, ТАДҚИҚОТ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

**ЁХУД ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ХУСУСИДА**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Энергетика, иссиқлик энергетикаси мамлакатимизни истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларидир. Худди шу йўналишлар асосида университет таркибида энергетика институтининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай институтлар сони ҳозирга келиб 6 тага етди. Улар расман буйруқлаштирилган ҳолда иш олиб боради. Ҳар бир институт камида иккита факультетни бирлаштириш эвазига ҳосил қилиниб, уларнинг раҳбарлигига профессор-ўқитувчилар тайинланган.

Университет таркибидаги институтлар магистрантларнинг бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқасини йўлга қўйишда, илмий тадқиқот мавзуларининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини ўрганишда бош-қош бўлишяпти. 12 та факультет негизида 6 та институтнинг вужудга келиши магистратура таълимининг ҳали очилмаган қирраларини кашф қилишнинг бир воситаси бўлаётган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, таълим билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ўрнатилган мустаҳкам алоқа ҳам кадрлар тайёрлашдаги ўзига хос муҳим омил ҳисобланади. Факультет ва кафедраларнинг ишлаб чиқариш корхоналаридаги филиаллари худди ана шу мақсаднинг рўёбга чиқишини таъминламоқда. Нефть ва газ факультети “Ўзбекнефтгазмиллийхолдинг” компанияси ва унинг тармоқлари, “Ўзбекгеология” билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиб келади. Ана шу ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ, “Нефтгаз қудуқларини бурғулаш” кафедраси янги полимер реагентини ишлаб чиқаришга татбиқ этиб, ижобий самара олди. Кафедраларнинг тармоқ илмий-текшириш институтлари ва лабораторияларида ҳам филиаллари мавжуд. Хусусан, нефть ва газ конларини излаш ва қидириш тармоқ институти қошида “Геология ва геофизика” кафедраси, умумий ва ноорганик кимё институти қошида “Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси”, “Саноат экологияси” кафедралари филиаллари ташкил қилингани бакалавр ва магистрантларни бевосита амалиётга олиб кирмоқда. Кон-геология факультетида ишлаб чиқаришда банд бўлган етук мутахассис ва олимлар жалб қилинган. Жумладан, М.Умархўжаев, Р.Турсунметов, Д.Пирматов, профессор О.Хўжаев, технолог К.Шкиренков ва бошқалар магистратура мутахассислиги фанларидан машғулот олиб боришади.

— Бакалавриат ва магистратура ўқув режаларини фундаменталлаштиришга эътбор беряпмиз, — дейди ўқув бўлимининг бошлиғи Ўткир Рўзиев. — Чунки икки йиллик таълим даврида магистрант мутахассилик фанларининг асл мағзини чақа билиши керак. Уларнинг ўқув режаларига математика ва физика фанларининг махсус бобларини киритишга, хорижий тиллар бўйича соатлар ҳажмини 1,5 баробар оширишга эришдик. Корхона ва ташкилотларнинг тайёрланаётган мутахассисликларга қўяётган талабларидан келиб чиқиб, ўқув жараёни графигидаги илмий тадқиқотнинг илмий педагогик фаолият билан узвий равишда олиб борилишига имконият яратилмоқда. Шундай қилинганда, магистрант ҳам назарияни, ҳам амалиётни бир-бирига омухта тарзда ўзлаштиради.

### ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ҲАМ КЕРАК

Ҳа, ривожланишнинг ойдин йўлидан бораётган Ўзбекистон учун нафақат иқтисодиёт, балки таълим соҳасидаги хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам қўл келади. “Билиминг осмонга етган бўлса ҳам, ўзгалар илмига қулоқ сол ҳар дам” деб уқдириб ўтишган донишмандларимиз. Демак, ривожланган давлатлар тажрибасига ҳам назар солиш керак.

Университетнинг ҳамкорлари жуда кўп. Улар билан тузилган шартномаларга кўра, магистратура таълимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ жиҳатлар, албатта, инобатга олинмоқда. Иккинчидан, магистрантларни дунёнинг етакчи, мавқеи баланд университетларига ўқишга юбориш диққат-эътибордаги масалага айланган. Ҳамкорлар орасида эса АҚШнинг Мэриленд, Буюк Британиянинг Кембриж, Германиянинг Гамбург-Бундесвер, Москва давлат техника, Жанубий Кореянинг Йенгнам, Австриянинг фан ва техника тадқиқот маркази, Туркиянинг Гебзе юксак технология университетлари бор.

Германиянинг “Siemens” фирмаси ҳамкорлигида ташкил этилган, замонавий компьютер ва қурилмалар билан жиҳозланган 2 та ўқув-тажриба маркази фаолият юритмоқда. Фирма раҳбари жаноб Хайнрих Пирер бошчилигидаги делегациянинг ташрифи мобайнида компьютер технологияси соҳасида Гамбург-Харбург университети магистратурасига бир йиллик ўқишга 2 та грант-стипендия ажратилди. Бу грант асосида шу йилдан бошлаб 6 нафар магистрант уч йил мобайнида Германияда таҳсил олиш имконига эга бўлди. Европа ҳамжамиятининг “Tempus-Tasis” дастури асосида 2 та лойиҳа Германия, Голландия, Дания университетлари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Бу лойиҳалар ижросида иштирок этган 7 нафар магистр Германия, Голландия ва Дания университетларида қисқа ва узоқ муддатли сафарларда бўлиб, Европа таълим тизимида ва ахборот технологияларида эришилган ютуқларини университетда татбиқ қилишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Ана шу дастурнинг “Ахборот ва алоқа технологиялари соҳасида магистратура курслари учун ўқитувчиларни тайёрлаш” лойиҳаси профессор Рустам Ҳамдамов раҳбарлигида ниҳоясига етказилди.

Ушбу лойиҳа Германиянинг Гамбург-Гарбург техника, Голландиянинг Твенти университетлари ва Қарши муҳандислик -иқтисод институти ҳамкорлигида рўёбга чиқди. Европа университетлари андозалари асосидаги ўқув режасида 25 та фан бўйича дастур ишлаб чиқилди, маъруза матнларининг электрон вариантлари яратилди, 16 та компьютердан иборат 2 та локал тармоқли синф ташкил этилиб, интернетга уланган.

Умуман, университетнинг хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиши замиридаги асосий мақсад тайёрланаётган кадрларнинг ҳар жиҳатдан пухталиги билан боғлиқ. Ана шу йўналишдаги уринишлар яна ҳам янги босқичларга кўтарилиши лозим.

### ТАДҚИҚОТ РАҲБАРИДАН ЭШИТСАК...

Магистрант I курсга қабул қилингач, мутахассислик кафедралари томонидан тасдиқланган илмий мавзулар тақдим қилиниши ҳамма жойдаги каби техника университетида ҳам кузатилмоқда. Мавзу — очилмаган “қўриқ”. Белгиланган икки йил мобайнида мавзунинг “ичига” кирилади. Тайинланган илмий раҳбар магистрантини ана шу тадқиқот устида ишлашга йўналтирувчи шахсдир.

Ҳозирги вақтда таълим соҳасида масофадан туриб ўқитишнинг имкониятлари кенг маънода эътироф этилган. Уйдан чиқмасдан туриб таълим олиш бу вақтни, маблағни тежайди. “Телематика” кафедрасида ана шу мавзу устидаги тадқиқот бошланган.

**Академик М.Комилов, замонавий информацион технологиялар илмий маркази лаборатория мудири:**

— Магистрант Э.Галиевга тақдим этилган бу мавзу долзарб характерга эга. Мамлакатимизда ҳали масофадан туриб ўқитиш бўйича катта тажриба тўпланмаган. Шу боис магистрант олдига “Электрон дарсликларни яратишда мулоқот тизими дастурий комплексини ишлаб чиқиш” мавзуси қўйилди. Бу тадқиқот доирасида электрон дарсликлар ишлаб чиқишда муҳим бўлган интерфайс тизимларини вужудга келтириш устида изланишлар олиб боріляпти.

**Академик Т.Носиров, «Ўзбекэнерго» ДНК қошидаги “Энергомарказ” директори:**

— Электр энергияси таъминотисиз мамлакатимизнинг бирорта соҳасини тасаввур қилиш амри-маҳол. Магистрант Сайфулла Шоисматовнинг ўрганиши учун тавсия қилинган “Электр энергияси тижорат ҳисобининг автоматлаштирилган тизимлари” илмий мавзуси шунга доир. Электр энергия сифатини автоматик тизимда назорат қилиш ва бошқариш муаммоларига бағишланган бу тадқиқот амалиёт билан узвий боғлиқ. Республикамиз энергетика корхоналарида. “ТошГРЭС“, “Сўғдиёна 500” подстанцияларида бу тадқиқот жуда катта самара келтириши аниқ. Илмий иш “Ўзбекэнерго” давлат акционерлик компанияси, “Энергомарказ”, “Энерготармоқлойиҳа” ташкилотлари билан келишилган ҳолда бажарилмоқда.

**Х.Акбаров, “Фойдали конларни қидириш усуллари” кафедраси мудири, академик:**

— Ўзбекистон ҳудуди турли фойдали маъданларга бой. Уларни қазиб олиш, саноат эҳтиёжларида фойдаланиш бўйича анча-мунча ишлар қилинган. Лекин уларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш магистратура таълими олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Мени магистрант Дилмурод Баёновнинг илмий-тадқиқот мавзусига раҳбар қилиб тайинлашди. Ҳали ўрганилмаган объект — “Зармитан олтин конининг геологик тузилиши ва унинг истиқболлари”га мурожаат қилинди. Мавзу ҳимояси 2004 йилда. Дилмурод Зармитан олтин конини чуқур ўрганди. Айни пайтда Қашқадарё геология-қидирув экспедицияси билан ҳамкорликдаги хўжалик шартномаларида иштирок этди.

* * *

Илм-фан билан шуғулланишни донишмандлар нина ёрдамида қудуқ қазишга менгзайдилар. Бу ибора ҳақиқатга қанчалик йироқ бўлмасин, нисбийроқ маънода айтилганини ҳам тан оламиз. Магистрантнинг олдига қўйилган тадқиқот оламшумул характерга эга бўлмаслиги мумкин. Аммо уларни умумлаштириб, бир ипга маржон каби тизиб чиқсак, мақоламизнинг аввалида таъкидланган юрт истиқболи билан чамбарчас боғлиқ йўналишлар гавдаланади. Бинобарин, Тошкент давлат техника университети магистратура таълими ҳам худди шундай хулоса чиқаришимизга имкон беради. Таълим жараёнида учраётган камчилик, нуқсонлар, катта-кичик муаммоларни айтиб ўтишдан чекландик. Чунки бу билан муаммолар ҳал бўлиб қолмайди. Қолаверса, уларни мутасадди шахслар сизу биздан яхшироқ билишади ва бартараф этиш йўлларини қидиришмоқда. Бундан буёнги ва ҳозирга қадар бўлган асосий вазифа-магистрлик ҳимоялари амалиётда ўз самарасини берса, нур устига нур бўларди.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА,**
**“Ma'rifat”нинг махсус мухбири**

*Ikkinchidan, “man”, “san”, “etdim” kabi so‘zlar adabiy til uchun me’yor emas. Yana quloqning qaysi uchi bilan reklama eshitish kerak? Umuman, quloqda uch bormi?*

*Vatan siz hayot bo‘lgan shu zamindir. Vatanni or-nomusdek biling. Bu zaminni e’zozlang, unga hech kas (hech kim) tosh otmasun.*



*Tanlov*

# ЭНГ ЯХШИ, ЭНГ ФАОЛ КИТОБХОН

Китоб тафаккурнинг толмас қанотидир. Унинг ёрдамида илм ихлосмандлари фаннинг юксак чўққиларини эгаллайдилар. Буюк аждодларимиздан тортиб замонамиз олимлари эришган ютуқларнинг бош омили ҳам китобга бўлган муҳаббатдан бошланган. У билан ошно тутинганлар ҳеч қачон кам бўлмаганлар. Китобни ўқиб бориш жараёнида китобхоннинг дунёқараши кенгайиб, борлиқда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга беэътибор бўлмай, унга реал ёндашиб, ҳар бир муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилади.

Болалигим китоблар орасида ўтган. Онам боғча тарбиячиси бўлганлиги боис, болаларга турли хил эртак ва шеърлар айтиб бериш учун доимо китоб ўқирдилар. Уларнинг ёнларида ўтириб, ўзбек халқ эртакларини мароқ билан тинглардим. Айниқса, қаҳрамонликни тараннум этувчи “Уч оға-ини ботирлар”, “Кенжа ботир”, “Муқбил тошотар” эртаклари жону дилим эди. Мен ҳам улар билан ёвуз кучлар, Ялмоғиз кампир ва Паризодни ўғирлаган девларга қарши жангга шайланардим. Уларни енгган куни бошим осмонга етарди. Сўнг мактабга бордим, ҳарфларни тез-тез ўргандим-да, ўзим мустақил равишда китоб ўқий бошладим. Илк ўқиганларим Ғафур Ғуломнинг “Аҳмад ёмон бола эмас, аммо...” шеърлар тўплами эди. Кейинчалик адабиёт ўқитувчимиз Бурҳон Омонбоев ёрдамида Абдулла Қодирий, А.Қаҳҳор, Ойбек асарлари билан яқиндан танишдим. Ҳозиргача китоб менинг яқин дўстим, сирдошим. У билан ўтган вақтимга ҳечам ачинмайман. Ўйлаб қарасам, ҳозирги кунда болаларнинг китобга бўлган муносабатлари тубдан фарқ қилади. Ўз қишлоғимда кичик тадқиқот ўтказганимда шу нарса маълум бўлдики, 90 фоиз болалар ва ўсмирлар мутолаа маданиятидан йироқ. Хўш, уларнинг бўш вақтлари нималарга сарфланмоқда? Табиийки, қишлоқ болалари ва ўсмирлари бўш вақтларини баъзан ота-онасига ёрдам бериш билан ўтказса, баъзилари бекорчиликда ўтказишади. Сўнг, улар чекиш, ичиш, ўғрилик қилиш каби ёмон одатларга ўрганадилар. Фикримнинг далили сифатида ўзим гувоҳ бўлган воқеани келтириб ўтаман. 11-12 ёшлар чамасидаги уч-тўрт бола бекорчиликдан зерикиб ўтиришганида ариқ бўйида кетаётган қўшнисининг ўрдагини кўриб қолишади. Бирининг калласига унинг патларини юлиш келадию, ўрдакни ушлаб оёғидан боғлаб, битталаб патларни юлиб чиқишади. Ҳаш-паш дегунча ўрдак қип-қизил гўштга айланади-қолади.

Шаҳарда эса аҳвол бошқачароқ. Телетомошалар, кабеллар ҳамда компьютерлар мавжуд бўлгани учун болалар бўш вақтларини улар олдида ўтказадилар. Ўқишга нисбатан интернет кафеларда ўйинлар ўйнашга интилиш кучлироқ. Аслини олиб қараганда, компьютер бошқариш ва саводхонликни ошириш учун китоб мутолаасига зарурат сезилади-ку? Хўш, нега болаларнинг ўқиш кўрсаткичи паст даражада? Нега китоб ўқиш маданияти ривожланмай қолган? Мутолаа маданиятини ошириш учун қандай ишлар бажарилмоқда?

Республикамиз вилоятлари ва шаҳримиз кутубхоналарида 1 сентябрдан 20 сентябрга қадар энг фаол ва энг кўп китоб ўқийдиган болалар ўртасида “Болалар кутубхонасининг энг яхши китобхони—2003” республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Уч гуруҳда, яъни 1—4, 5—9 ва 9—11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган танлов якунида ғолиблар касаба уюшмалари, маданият бўлимлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Соғлом авлод”, “Болалар” жамғармалари ва республика давлат болалар кутубхонасининг рағбатлантирувчи совғалари ҳамда мақтов ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Ана шу тадбир доирасида республика давлат болалар кутубхонасида “Китобхон болалар—ривожланаётган мамлакат” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда кутубхона жамоатчилиги, маданият арбоблари, халқ таълими ходимлари, болалар нашрлари муҳарририяти, нашриёт ходимлари, ҳокимлик вакиллари ва бошқалар иштирок этди. Даврани кутубхона директори Фотима Бухорова очиб берди. Шундан сўнгги суҳбат ўз-ўзидан жонланди. Бугунги компьютерлашган даврда болалар ва ўсмирларни китоб мутолаасига қандай жалб қилиш мумкин? Ҳозирда телевидение, интернет кафе ўйинлари ҳамда китоб ўртасида бўлаётган маърифий жангда қайси томоннинг имконияти кенгроқ? Ана шундай саволлар ўртага ташланди. Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров кўпчиликнинг онгига сингиб қолган янги алифбодаги китоблар камлигига тўхталиб:

— Болаларимизга мактабларда турли фанларни ўргатиш билан бирга рус тилини ҳам ўргатамиз, шу баробарда крилл алифбосида ҳам ўқишни ўрганади, бундай бўладиган бўлса, нима учун крилл алифбосидаги китобларни ўқита олмаймиз, — дея таъкидлаб ўтди.

Суҳбат давомида Тошкент давлат маданият институти ўқитувчиси Зуҳра Бердиева сўзга чиқиб, боланинг китоб ўқиш маданиятини ривожлантиришда ота-она, ўқитувчи, кутубхоначи бир-бирига боғланган занжирни ташкил қилиши кераклиги ҳақида гапирди. Ҳозирги пайтда ўқитувчилар фақатгина дарслик билангина чекланиб, қўшимча адабиётлар таклиф қилмаслигини айтиб ўтди.

Тадбирдан қайтар эканман, бугунги давра суҳбатида айтилган фикрлар, қилинган таклифлар умри қанча экан, деган ўйга бордим. Улар ҳам амалда ўз исботини топар, балким. Республика кўрик-танловида иштирок этган Андижон вилояти Хонобод шаҳри марказий кутубхонаси кутубхоначиси Муҳтарам Соатовадан ушбу муаммолар юзасидан мулоҳазаларини сўрадим.

— Бугунги кунда, — дейди Муҳтарам Соатова, — асосий муаммо кутубхоначи мутахассисларнинг етишмаслиги.

Ушбу кўрик-танлов нима мақсадда ўтказилаётганлиги хусусида республика давлат болалар кутубхонаси бош кутубхоначиси, республика кутубхоналар ассоциацияси аъзоси Улфат Собировни суҳбатга тортдик.

— Мазкур кўрик-танлов бизнинг кутубхонамиз ҳаракати билан бошланган. Танловни ўтказишда биз билан бирга Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари, Халқ таълими вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлик қилмоқда. Болаларни китоб мутолаа қилишга қизиқтириш, уларни кутубхоналарга жалб қилиш, компьютер, телерадиога “шўнғиб” кетган болаларда адабиётга меҳр уйғотиш танловнинг асосий мақсадидир. Сир эмаски, кўпчилик болалар бугунги кунда компьютерда ўйнашни, телевизор томоша қилишни ҳамма нарсадан устун қўяди. Уларнинг мана шу қизиқишларини биз китоб ўқишга қаратмоқчимиз. Танлов жараёнида болалар ўз имкониятларини синфдошлари, ўқитувчи ва ота-оналари олдида кўрсатишади. Ҳаммадан биринчи бўлиш истаги, бошқалардан зўр бўлиш фикри болани кўпроқ китоб мутолаа қилишга ундайди. Натижада болаларда китобга меҳр уйғонади. Танловнинг яна бир яхши жиҳати, танловда қатнашган ҳар бир китобхон танлов ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалари, рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланадилар. Бу ҳам китоб ўқишга бўлган меҳрни кучайтиради.

Танловда республика бўйича 12000 нафар китобхон-ўқувчилар қатнашдилар. Улардан 40 нафари ғолиб чиқди.

Танлов ғолиблари “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси ва бир қатор ташкилотларнинг Мақтов ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Болалар — келажак эгалари. Уларга чуқур билим бериш учун, аввало, ўқувчи-ёшлар онгига китобнинг энг яқин дўст, энг зарур ҳамроҳ эканлигини сингдиришимиз керак. Ана шундагина, биз келажак меъморлари бўлмиш болаларни ҳар томонлама камолга етган инсон қилиб тарбиялаган бўламиз.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси**

# ОТАБЕК «КРУТОЙ» ЙИГИТМИДИ?

*Mulohaza*

Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги қонунининг 16-моддасида шундай дейилади: “Телевидение ва радио эшиттиришлари давлат тилида, шунингдек, бошқа тилларда олиб борилади”. Маълумки, давлат тили адабий тил меъёрларига амал қилади. Шундай экан, кўрсатилаётган ҳар бир кўрсатув ёки эшиттириш адабий тил меъёрларига риоя қилинган ҳолда олиб борилиши шарт.

Ҳозирги кунда республикамизда жуда кўплаб радиоканаллар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг мухлисларига эга. Лекин мавжуд каналларнинг ҳаммасида ҳам ўзбек адабий тили меъёрларига тўлалигича амал қилинаяпти, деб бўлмайди. Айниқса, радиоканаллар орқали берилаётган реклама матнларида бу яққол кўзга ташланади. Шу ўринда “FM 106,5 “Орият Доно” радиоканали орқали берилаётган реклама матнлари хусусида баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Мазкур каналда “UNITEL” компанияси “Ўткан кунлар” романидан унумли фойдаланган ҳолда реклама қилинади. Албатта, бунда радиоканал ходимлари тингловчиларни қизиқтиришини кўзда тутган. Лекин худди шу реклама матнида адабий тил меъёрларига эътибор берилмаган ўринлар мавжуд. Масалан, “Отабек ўз даврининг крутой (?) йигитларидан бўлган”. Жумлада келтирилган ўзга тил сўзи варваризм ҳодисаси бўлиб, бу адабий тил учун меъёр ҳисобланмайди. Тўғри, бу тингловчи учун қизиқарли бўлиши мумкин. Лекин, бутун бир халқ эшитадиган, жамиятнинг кўзгуси бўлган оммавий ахборот воситасида бундай қўполликка йўл қўйиш тилимизнинг дағаллашишига, сийқаланишига олиб келади.

Маълумки, адабий тил — меъёрлаштирилган тил бўлиб, унда шева унсурларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Лекин бундай ҳолатни ОАВда бугунги кунда кўплаб учратиш мумкин. Фикримизнинг далили сифатида юқорида келтирганимиз радиоканалга мурожаат қиламиз: “Ман санга неча марта этдим. Қулоғингни бир учи (?) билан реклама эшитгин, деб”.

Биринчидан, ушбу жумла оддий сўзлашув услубига хос бўлиб, ОАВ тили эса публицистик услубда бўлиши керак. Иккинчидан, “ман”, “сан”, “этдим” каби сўзлар адабий тил учун меъёр эмас. Яна қулоқнинг қайси учи билан реклама эшитиш керак? Умуман, қулоқда уч борми?

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугунги кунда адабий тил меъёрларига ОАВда қай даражада амал қилинаяпти? Бунга бир радиоканал мисолида жавоб беришга ҳаракат қилдик. Лекин, юқоридагига ўхшаш мисолларни бошқа ОАВдан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Бинобарин, ўзбек тили — ўз она тилимизнинг ҳар томонлама такомиллашуви учун барчамиз масъулмиз.

**Зоҳид ШАКАРОВ,**
**талаба**

*Talqin*

# ЎСИБ БОРАР... «АНИНГ УМИДИ»

Ишқ, Муҳаббат, Соғинч, Армон, Умид, Ҳижрон... буларнинг бари Кўнгулнинг япроғлари, Кўнгулнинг бўй-басти. Улардан мосуво бўлган Қалб-да ғариб, мискин, маҳзун, бемор... Улардан жудо бўлган Дилни тирик деб аташлик ножоиз.

Кўнгулни Кўнгулга сўйлантирадиган рост, самимий, соф туйғулар азалдан адабиёт боғрида яшаб келган, келаётир. Шулар билан-да адабиётимиз бой, сермаҳсул. Энг қизиғи шундаки, самимий, соф туйғулар уфуриб турган асарлар йилларнинг бўронларини писанд қилмай ҳануз яшаб келаётир.

Мен Икром Отамуроднинг “Анинг умиди” номли достонини (“Ёшлик”, 2002 йил, 2-сон) ўқиганимда мана шундай ўйлар қуршовида қолдим.

Шоир “Мен сени севаман”, “Мен Сени соғиндим”, “Сенсиз яшай олмайман” демайди ҳеч қачон. У айтмоқчи бўлган фикр, туйғу бундай сўзлардан-да баланд, пурвиқор. Анинг умиди билан яшаётган ошиққа ернинг миз. Аввалги достонлари киши кўнглида маҳзун, айни дамда ҳазин соғинч, мискин хотирани уйғотса, ушбу достон ёруғ, айни дамда бироз ўксик умидни уйғотади:

**Ўсиб борар анинг умиди,**
**Мен анга етомайман.**
**Мен анга етолмайман**
**Ўсиб борар анинг умиди,..**
**Зотан, умидлар кичраяр**
**вақт ўтган сайин,**
**вақт ўтган сайин**
**каттаради**
**умидларни еб хотиралар.**
**Не ажабким,**
**буйсунмас сира**
**хотираларга**
**хотираларга ҳеч**
**бўлмагай емиш**
**фақатгина анинг умиди.**

Кўнгулга ёруғ умид солган сатрларни ўқиб беихтиёр қувонасиз. Умиднинг борлиги учун. “Мен”даги ошиқ ҳолатига ишончингиз яна бир карра ўсади. Ва шундан сўнг унинг ҳолатига яна ҳам чуқурроқ назар ташлай борасиз. Назар ташлаганингиз сари сатрларнинг Ва шу баробаринда ўзининг ҳолати, анинг умиди янада бўй чўзади. Шунда, бирни кўриб шукур қил, бировни кўриб фикр” мақоли ёдингизга тушади. Бу фикрни муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлайди:

Ўсиб... борар...анинг...умиди...

Бу умид оғриқлар, соғинчлар, хўрсинишлар, оҳлар қуршовида яшаётган, бўй чўзаётган умид. Бу умид мени, сизни, уни ишонтира олиш қудратига эга умид.

Классик адабиётимизда ошиқнинг қўлига боқса маъшуқасининг қўлини, юзига боқса маъшуқасининг юзини, ўзига боқса маъшуқасини кўрганлик ҳолатини учратамиз. Шоир Икром Отамурод бошқача йўналишда, яъни қатор нуқталарнинг келишида, сўз ясалишида шу ҳолатни тасвирлайди, ҳолатни бойитади.

**...Менинг юрагимни эзади...**

васли, висоли не даркор? У анинг умиди билан-да, хаёли билан-да васлга, висолга етган. Шоир бу фикрни ўзи таъкидлайди:

**Анинг умидига**
**боғланди хаёл,**
**Васлин висолига**
**чоғланди хаёл.**

Азал-азалдан Аёл образи адабиётга, шеъриятга ранг берган. Камалакнусха ранг. “Анинг умиди”да ҳам биз “Ул малак”нинг “хуршиди жамоли”ни, “наргиз нигоҳини”, “мужгон”ини, “юзин оинаси”ю, “пайкон”, “абру”сини кўрмоқ истаймиз. Ва шу истак баробаринда “Ҳилол мужгонлари — шамшир”, “Юзин оинасида абрўлари, паришон ҳолима ташлайди каманд”, “Юзин оинасида саф тортган пайкон — жоним қасдиға чоғланган тир”, “Юзин оинасида икки барқ”ни кўрамиз, кузатамиз ҳайрат билан. Ошиқ ҳоли-аҳволи бундан мустасно. У бундай ҳолатдан-да юқори. У:

**Не малакким қилур**
**ҳолимни забун,**
**Ул — хуршиди жамол,**
**ул — наргиз нигоҳ?!**

хаёлидаги малагининг жамолига-да масту муаррақ.

Умуман И.Отамуроднинг “Сен”, “Истарим” каби достонларида Соғинч, Хотира устунлик қилса, “Анинг умиди”да кўпроқ Умиднинг устунлигини кўрақайтарилиши /ўз ўрнида/, тиниш белгиларининг, ҳарфларнинг ишлатилиши натижасида бу ҳолатнинг давомийлигини кўрасиз.

Ошиқ ҳеч қачон ўз ҳолатига ўзи баҳо беролмайди. Айни дамда четдан кузатган киши жавоб бера оладиган оддий саволларга-да жавоб беришга ожиз. Зотан, шу ҳолатнинг ўзиёқ унинг чин маънода ошиқлигидан дарак беради. Худди шундай, достондаги “мен” ҳам “Кўришиш висолми ё кўришмаслик?!, “Кўришиш соғинчми ё кўришмаслик?!”... каби қатор саволларни қўяди ва жавобсиз қолдиради. “Мен анга етолмайман” дея гоҳ кўнглидан ҳазинлик ўтса, гоҳида “Мен анга етолмайман, ўсиб борар анинг умиди...”, яъни икки сатрнинг олдинма кейин келишида ошиқ кўнглида маъшуқа васлига етишишдек ёруғ умид уйғонади.

“Мен”даги ошиқ фақатгина ўзининг туйғулари, қарашлари, ҳолати билангина чегараланиб қолмайди. У бундай ҳолатдан маълум маънода чиқади. Уни ”Ҳув-в, ана, боши хам, сарнигун кетаётган аёл”нинг ҳолати бепарво қолдирмайди, унинг ҳолатини тушунади:

**... гирдига кўз ташламас,**
**ёнверига қайрилишни**
**хушламас,**
**шовқин солиб югураётган**
**шошқалоқ поезд бўлмас**
**хаёлин...**

**......дилим саҳросида бир оҳ......**
**.........дилим саҳросида бир.........**
**............дилим саҳросида............**
**...........дилим..............**

Мана шу кўринишнинг ўзида ошиқ ҳолатининг чуқурлашиб бораётганини кўрамиз. Маъшуқаси унинг дилига, кўнглига айланганлигига гувоҳ бўламиз.

Сўзимизнинг исботи эса кейинги сатрларда яққол кўринади:

**Бир кун...сўзлагайдир**
**дилгинам тўлиб**
**бир кун...**
**хиромоним тинглар**
**сел бўлиб...**

Кўриб чиққанимиз достоннинг бошланиши ва тугалланишида келаётган сатрлар анинг умиди ростлигига сизни ишонтиради.

Умуман, қисқагина сўз айтганимиз ушбу достонни диққат билан ўқиган киши асарнинг ёзилишдан мақсадини англаб етади. Қолаверса, асарда тилга олинмаган “СОҒИНЧ”ни, “ХОТИРА”ни, “ХАЁЛ”ни кўради. Мен бундай йўл тута билганлик муаллифнинг катта муваффақияти деб биламан. Қолаверса, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, асардан мумтоз адабиётимизнинг ўзгача нафаси уфуриб турибди.

**Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи**

*Moziydan sado*

# «ИЛМ-УН НУЖУМ»

## IX-X асрлардан бизга қадар етиб келган янги топилма



***Гулсум Хўжамшукурова Тошкент шарқшунослик институти ҳамда Термиз давлат университетини тугатган. Мозийга қайтиб иш кўрмоқни хайрли деб билади. У билан суҳбатимиз асрлар оша бизга қадар етиб келган Сурхон воҳасидаги янги топилмалар хусусида кечди.***

***— Гулсумхон, сиз “Конипур” тепа ҳақидаги маълумотларни қаердан олдингиз?***

*— Мен бу маълумотларни китоблардан олганман, ўқиган манбаларимнинг кўпчилигида “Конипур” сўзи ва қишлоғи, унинг иқлими, тоғли жойларда жойлашганлиги ҳақида қимматли маълумотлар бор. Зеро, бу ноёб адабий мерос намуналарини бирорта вилоятдан излаб тополмаганман. Навоий вилояти “Кармана” қишлоғини ва Музработ тумани “Кампиртепа” қишлоғини филология фанлари номзоди Р.Мустафоқулов ва бир неча тадқиқотчилар билан бориб кўрдик, лекин биз китобда ўқиган “Айри ота” бу ерларда йўқ эди.*

***— Қандай излаб топдингиз? Унинг илдизини қаердан суриштирдингиз?***

*— Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизийнинг “Илм ун-нужум” (“Юлдузлар илми”) номли китобининг 250-бетида шундай жумлалар бор: “Конипур деган қишлоқ бор, у Кўҳитанг тоғининг “Айри ота” қабристони пастроғида жойлашган. Бу ерда жез (темир), олтин, кумуш заҳира конлари бор. Шу боисдан ҳам элу халқ бу жойни “Конипур” деб атайди” деган жумлани ўқидик.*

***— Ўша китоб ҳозир кимнинг қўлида турибди? Унинг тақдири нима бўлди?***

*— Бу китобни ўзбек тилига таржима қилиб, кирилл алифбосида тайёрладим, лекин айрим сабаблар туфайли нашр эттиролмай турибман.*

***— Агар бу китоб нашр қилинса, Сурхондарё вилояти, қолаверса, бутун Ўзбекистон халқини бой меросимиздан баҳраманд қилар экансизда!***

*— Ҳа, бу фикрингиз тўғри.*

***— Ана шу китобнинг эсингизда қолган жойини ҳикоя қилиб бера оласизми?***

*— “Қирқ қиз” бобидаги энг диққатга сазовор жумлаларни эшитинг: “Пок юртбоши, пок лашкарбоши, покдомон аёл яшаган юрт, тонгла қиёматда туғи ерга тушмайди. Унинг халқи енгилмайди. Бу юрт зару олтинга сотилмайди, абадул-абад поклар юрти, олимлар юрти, илм аҳлининг Оллоҳ назари етган юрти бўлади. Бу юртда яшаганларнинг оёғи етган ерга душманнинг оёғи етмайди. Илм олмоқ қийиндур. Уни ўрганмоқ учун дили пок, нияти пок, йўли пок, кийими пок бўлиши шарт.*

*Сизга вожиб шулки, Ватан туғини ўз каллангиздан аъло билинг. Ватан сиз ҳаёт бўлган шу заминдир. Ватанни ор-номусдек билинг. Бу заминни эъзозланг, унга ҳеч кас (ҳеч ким) тош отмасун.*



*Ватан туғи, шон-шуҳрати, аҳли-эли, ор-номуси, поклик хилқати, аёллар, ҳақиқат ва она сутини ҳеч нимага алмаштириб бўлмаслигини олдингизга қўйилган буюк вазифа деб билинг. Менинг васиятларим — Ватан, Ватан туғи. Ватан тупроғини улуғла, уни зару олтинга сотма, унга хиёнат ҳам қилма, Ватан туғингни, юртбошингни, шон-шуҳратингни, аҳли улусингни, ҳатто илм, поклик хилқати, она алласи, бола кулгисини энг муқаддас бил”.*



*— Аҳмад Устурлобийдан келтирилган мазкур жумлаларни ўқиганимдан кейин, Термиз туманидаги “Намуна” жамоа хўжалигида жойлашган “Қирқ қиз” қалъасига бордим, зиёрат қилдим. Одамлардан “Конипур” қишлоғини суриштира бошладим. Ўшанда 90 ёшлардаги домла мулло Қорабободан сўрасам, у киши шундай дедилар: “Шерободдан Бойсун томонга қараб борасан, кетавериб, ўнгга буриласан, Зарабоғ, Қаробоғ, Пошхурт, Майдон деган қишлоқлардан ўтасан, Зараутсойнинг ёни билан юрганингдан кейин “Конипур” деган қишлоқ чиқади. Ана шу маскан сен қидираётган қишлоқдир”.*

*Мен Термиз давлат университетининг олимлари — филология фанлари номзодлари, доцентлар Рўзиқул Мустафоқулов, Шарифжон Ёқубовлар ана шу қишлоқда туғилиб ўсганликларини аниқладим. Улар “Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизийнинг “Илм ун-нужум” китобида кўрсатилган маълумотларни ўша ерлик маҳаллий аҳолидан ҳам сўраб-суриштиришимиз керак”, — деган таклифимга бажонидил рози бўлишди. Шундан кейин биз Конипур қишлоғига бордик. Китобларда ўқиганимиз “Конипур” мана шу қишлоқ экан. Бу қишлоқда “Айрибобо” ёки “Айри ота” қабристони бор. Устурлобий китобида кўрсатилган 36 нафар ғойиб бўлган эркак ҳақидаги воқеа шу ерда содир бўлганлигини билдик. Чунки “Эронли бобо” деган қабристондаги бир қабр тошига ўша 36 кишидан бирининг исми араб алифбосида ёзиб қўйилган экан. “Аъзам Козоний” деган битик бор. Битик билан танишганимиздан сўнг, энди бизда ҳеч бир шубҳага ўрин қолмади. Қишлоқдаги ғор, қабристонлардан ҳар хил китоблар топилганлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Биз бу китобларнинг анчасини кўриб чиқишга улгурдик.*

***— Сиз “Қирқ қиз” ҳақида тўхталган эдингиз. “Қизлар академияси” хусусидаги мақолаларингиз билан танишмиз. Демак, ўтмишда ҳам хотин-қизларнинг таълим-тарбияси, илм эгаллашига катта эътибор берилган экан-да?***

*— “Қирқ қиз” қалъаси Термиз туманидаги “Намуна” жамоа хўжалигида жойлашган. Қалъа ичидаги мадрасаларда қирқ нафар олималар турли жойлардан келишиб, илм олишган ва бевосита 36 мунажжимнинг устози Аҳмад Устурлобий билан илмий алоқада бўлишган. Мунажжимлар “Бофандалик”, яъни тўқиш, тикиш-бичишда яқиндан ёрдам берган. Қизлар “илми нужум”, риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт, тафсири Қуръонни яхши билишган.*

***— “Қирқ қизлар” ҳам илмли бўлишганми?***

*— Бу фикрларимни ўша даврда битилган ўнлаб китоблар ҳам тасдиқлайди. Албатта, улар илмли, оқила ва солиҳа қизлар бўлиб етишган. Термизда аёллар академияси ташкил қилишган. Бу ўзларининг китоблари, илмий қарашлари билан диний, дунёвий билимларни пухта билганлигидан далолат беради.*

***— “Илм ун-нужум”да яна қандай тарихий шахслар ҳақида баҳс кетади?***

*—IX-X асрларда Самарқанд, Бухоро, Хива сингари Термизда ҳам илм-фан жуда тараққий этган. Кўплаб диний-дунёвий билим соҳиблари етишиб чиққан. Аҳмад Устурлобий ҳам шу асрда яшаган. Китобда айтилишича, 15 ёшидан кенг жамоатчиликка машҳур бўлиб кетган Абу Райҳон Беруний ҳам Термизга келиб, устози Аҳмад Устурлобийдан анча илм ўрганган. Албатта, бу маълумотлар фан учун янгилик. Чунки шу вақтгача Берунийнинг Термизга келганлиги бирорта манбада қайд қилинмаган.*



***— Бу китоблардан кенг илмий жамоатчиликнинг фойдаланишларига қандай қарайсиз?***

*— Кимда-ким ана шу топилма китоблар билан қизиқса, марҳамат, ҳамкорлик қилишга тайёрман. Айни пайтда мен арабча, форсча ёзилган китобларни ўзбек тилига таржима қилиш билан ҳам шуғулланаман.*

*“Илм ун-нужум”ни ўқиганимдан буён Аҳмад Устурлобий ас-Сағоний ат-Термизий ва унинг шогирди Абу Райҳон Беруний ҳамда ўттиз олти нафар мунажжим ва қирқ қизнинг изини ахтариб келаман. Ана шундай нодир асарлардан бирини яқинда Қашқадарё вилоятининг тоғли қишлоқларидан бирида арча шохчаларига осиб қўйилган ҳолатда топиб беришди. Орадан неча асрлар ўтибдики, бу асарлар бизгача етиб келибди. Менимча, кимдир арча шохига осиб кетган. “Шажараи калон” деб аталган бу китоб билан ҳозирча тўлиқ танишиб чиқа олганим йўқ. Китоб яхши сақланган. Фақат унинг айрим варақларига, айниқса, охирги қисмига сув текканлигидан саҳифаларни ўқиш қийин. Юздан ошиқ арабча китобларни мутолаа қилган бўлсам, буниси тамоман янгича олам. Йигирма битта қадимий нодир қўлёзмаларни ўзбек тилига тўлиқ ўгириб бўлдим. Аммо, нашр эттиришда қийинчиликка учраяпман.*

***— Қанийди тарбиявий характердаги аждодларимиз меросидан бугунги авлод баҳраманд бўлса. Суҳбатингиз учун ташаккур билдириб, китоблар нашрини истаб қоламиз.***

**Суҳбатдош: Қ.ЖЎРАЕВ,**
**Термиз давлат университети профессори**

*Taqdir evrilishning siri-sinoati qiziqishlar boisi bo'lgani kabi bundan 12 yil muqaddam yuz bergan mustaqillik tarixi xudo xohlasa asrlar osha ko'plab asarlarga mavzu bo'ladi.*

*Zotan, dunyo xalqlari bilan tengma-teng munosabatga kirish, vatanimiz sha'ni-sharafini yuksaklarga ko'tarish uchun teran bilimga ega bo'lmog'imiz talab qilinadi.*



## Qarshi davlat universiteti hayotidan

# УНИВЕРСИТЕТ 18 ТА МАКТАБГА ҲОМИЙ

Илм даргоҳимиз остонасидан таралган зиё қанчадан-қанча ёшларимиз йўлини ёритмайди, дейсиз. Ойдин йўлдан одимлаган орзулари-да ойдин ўғил-қизларимиз эса юрт истиқболини нурга чулғайди. Ана шу мақсад, ана шу муддао бизни, университетимиз жамоасини ҳамиша изланишга чорлайверади.

Айни пайтда илм масканида 26 йўналиш бўйича бакалавр, 13 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Уларга ўз соҳасининг етук билимдонлари ҳисобланган 25 нафар фан доктори, профессор, 200 га яқин фан номзоди, доцент илмий даражасидаги олимлар сабоқ бермоқдалар. Эътиборлиси, талабаларимизнинг дунё илм-фани сирларини замон талаблари даражасида эгаллашлари учун илм даргоҳимизда барча шарт-шароитлар мавжуд. 2002 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган "Компьютер маркази"да толиби илмлар энг янги компьютер технологиялари билан тиллашсалар, "Тил маркази"да кўплаб дунё мамлакатлари тилларида ўз она тилидек бийрон сўзлашга ўрганадилар. Бундан ташқари, "Кураш маркази" ёшларимизнинг жисмоний жиҳатдан ҳам комилликка етишишларига имкон беради.

Маълумки, вилоятимиз республиканинг жанубий ҳудудларидан ҳисобланади. Шу боис бу ерда тоза ичимлик суви танқислиги муаммоси бўлиши табиий. Мазкур муаммо ечимига қаратилган изланишларимиз самараси ўлароқ янги ўқув йили олдидан 600 метр³ ҳажмдаги тоза ичимлик суви сақланадиган ҳовуз қурилиб, фойдаланишга топширилдики, бу талабаларимиз шароитининг яхшиланишига олиб келди. Шунингдек, ҳозирда эски ташландиқ ёзги клуб қайта таъмирланиб, замонавий ёшлар марказига айлантирилмоқда. Келажакда бу маскан ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказишга хизмат қилади. Эътиборлиси, ушбу ишларнинг барчаси университетнинг бюджетдан ташқари топилган маблағи эвазига бажарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олий ўқув юртимиз вилоятдаги мавжуд умумий ўрта таълим мактабларининг 18 тасига ҳамда Қарши шаҳридаги 3-меҳрибонлик уйига ҳам имкон қадар ўз ҳомийлик кўмагини бериб келмоқда. Бугунги кундаги мактаб ўқувчиси замонавий жиҳозланган биология, физика лабораторияларида, компьютер хоналарида билим олиши керак. Университет томонидан мактаб синф хо-



наларини имконият даражасида техник асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кўргазмали қуроллар, мактаб дарсликлари, ўқув қўлланмалари, илмий ва бадиий адабиётлар билан мактаб кутубхонасини бойитиш ишлари бошлаб юборилди. Мактабларда университет олимлари билан вақти-вақти билан учрашувлар уюштириш, профессорлар ва доцентларнинг намунавий очиқ дарсларини ташкил этиш ишлари режалаштирилган. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, келажакда уларнинг истеъдодини аниқлаб, касб танлашга йўналтириш ишларига эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун ўқувчилар билими ва уларнинг қобилияти жойларда аниқланиб, Қарши давлат университети қошидаги академик лицей, лицей-интернатга, бошланғич синф ўқувчилари университет қошида очилган гимназияга қабул қилинади.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси жойларда келажакда етук мутахассислар тайёрлашга қаратилганлигидандир.

**Абдусалом ЎРОҚОВ,**
**проректор, биология фанлари номзоди, доцент**

# ОЛИМЛИК РУТБАСИ ЮКЛАГАН МАСЪУЛИЯТ

***Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра юртимиз мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан ватанимиз озодлигини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда унинг нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун давлатимизнинг фахрий унвонларига эга бўлганлар орасида Қарши давлат университети проректори Поён Равшанов ҳам бор. Маълумки, устоз 1964 йилдан буён ҚарДУ (собиқ пед. институт)да ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, декан, 1996 йилдан буён ўқув ишлари бўйича проректор вазифасида ишлайди. Шунингдек, у киши "Темурнома", "Тарих бадияти", "Туркий қавмлар тарихи", "Адабиёт ва таълим", "Қашқадарё тарихи", "Амир Темур ватани", "Қашқадарё: истиқлол арафасида" сингари 30 га яқин асарлар муаллифидир. Устозни байрам арафасида юксак мукофот билан қутлаб, қисқача суҳбатда бўлдик.***

**— Мустақиллигимизнинг 12 йиллик тўйи арафасида сиз "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" деган шарафли унвонга муяссар бўлдингиз. Айтингчи, айни хушхабарни эшитганингизда қандай туйғуларни туйдингиз?**

— Қарийб 40 йилдан буён олий таълим соҳасида ишлайман, бир умр талабаларга таҳсил бериб келаман. Шогирдларим кўп. Уларнинг камоли муддаом, ютуқларидан қувонаман. Мактабларда фаолият кўрсатаётганлари анчагина. Хушхабардан ҳам биринчи бўлиб улар хабардор этишди, табриклар ёғилди. Бундан қувонмай бўладими?! Ўша лаҳзалар ёдимда мангуга муҳрланди, устозлик рутбаси насиб этганидан тўлқинландим, меҳнатим қадр топганидан суюндим.



**— Устоз нафақат синф хонадаги ёки мўъжаз аудиторияда талабаларга йўл кўрсатувчи киши, балки бу ном янада теранроқ маъно касб этадики, унинг эл, омма олдида ҳам масъулияти бордек...**

— Бу тарихий ҳақиқат. Синф хонада, ёинки аудиторияда тан олинган устознинг обрў-эътибори эл орасида ҳам баланд бўлади. Ҳақиқий мураббий энг аввало, эл-улус, миллат манфаатидан келиб чиқиб қадам ростлайди, шунга яраша масъулият ҳис этади. Билимдон домла фақат аудитория доирасида чекланиб қолса, унинг таъсир доираси унчалик кенгаймайди. Аксинча, борган сари торайиб маҳдудликка сабаб бўлади. Мударрис Қозизода Румийни ёдга олайлик. Мирзо Улуғбек даврида илм-фаннинг давлат миқёсида улуғворлик касб этишига бу зотнинг хизматлари катта бўлган. Демоқчиманки, таълим ва тарбия, илм-фан давр руҳини ўзида ташиш буюк келажакни кўзлаб иш кўриш устозлик масъулиятидир.

**— Ўқитувчилик масъулиятли касб, дедик. Ана шу касб этагидан тутишингизга, унга меҳр қўйишингизда қандай омиллар етакчи аҳамият касб этган?**

— Ота-она шубҳасиз, боланинг биринчи мураббийси, йўлчи юлдузи бўлади. Падари бузрукворимиз Равшан бобо Қурбонов Қашқадарё вилоятида 50-60 йилларда машҳур раис бўлгунларига қадар 10-15 йил муаллим ва мактаб директори бўлиб ишлаганлар. Касб этагидан тутиш, унга меҳр қўйиш отамиздан ўтган. Отамизга ҳавас қилганмиз, аксарият укаларим, сингилларим ўқитувчи.

**— Жорий йил сиз учун яна бир жиҳати билан омадли келди, дейиш мумкин. Яъни сизнинг адабиётшунос ва тарихнавис олим сифатидаги изланишларингиз самараси ўлароқ халқимизнинг ўз она Ватанида ҳур ва озод яшаши йўлида мустақил давлатимизнинг асосчиси Ислом Каримовнинг ҳали юртимиз собиқ иттифоқ исканжасида бўлган вақтида Қашқадарё вилояти биринчи раҳбари бўлиб ишлаган йиллари, эл қаддини кўтариш йўлида чеккан заҳматлари, курашлари ифода этилган "Қашқадарё: истиқлол арафасида" номли китобингиз ўқувчилар қўлига тегди. Ушбу китобни ёзишга нималар туртки бўлдию, қаердан руҳий қувват олдингиз?**

— Туртки ёхуд далда деймизми, ёинки, олимлик бурчи деймизми, хуллас, сабабсиз оқибат бўлмайди. 1996 йилда Президентимизнинг Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш ҳақидаги тарихий қарори эълон қилинган эди. 2000 йилда унинг ижобати сифатида уч жилдлик янги тарих намуналари нашр этилди. Камина ҳам шу мажмуанинг "Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида" номли биринчи жилдини яратишда иштирок этганман. Янги тарихимиз, айниқса, истиқлолимиз воқеъ бўлишини татқиқ этувчи энг янги тарихимиз ҳали мукаммал фундаментал инкишоф этилганича йўқ. Ватан озодлиги кураши ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида, айниқса, Қашқа воҳасида нисбатан кескин ва шиддатли, муросасиз паллага кирган эди. Ўткир ижтимоий муаммолар тараққиётга, эркинликка кишан бўлиб қолган тузумга қарши кўкрак кериб борувчи курашчини майдонга, ҳаёт саҳнасига чиқарган эди. Энг янги тарихимизнинг пойдеворини ташкил этувчи, тарихий илмий қиммати бебаҳо бўлган бу даврни ўрганиш ҳам фарз, ҳам қарз эди.

**— Тарих, адабиёт — эл ўзлигини танитишга хизмат қилувчи фанлар. Сизнингча, ушбу фанлар олдида яна қандай вазифалар бор-у, ҳозирги кун соҳа олимлари яна қандай изланишлар олиб бормоқлари лозим?**

— Зикр этилган фанлар масъулияти мудом юқори бўлиб келади. Халқимиз айни пайтда тарихнинг бурилиш нуқтасидан истиқбол сари дадил бораётир. Бурилиш нуқталари ҳамиша мураккаб, долғали,ғоят машаққатли кечади. Осонлик билан бахтга, айниқса, озодликка эришиб бўлмайди. Тақдир эврилишининг сири-синоати қизиқишлар боиси бўлгани каби бундан 12 йил муқаддам юз берган мустақиллик тарихи худо хоҳласа асрлар оша кўплаб асарларга мавзу бўлади. Бадиий адабиёт истиқлол учун курашган кечаги кунимиз қаҳрамонларини — ўтган асрнинг 80-йиллари фидоийларини кўламли талқин этганича йўқ. Тарих фани ҳам бу даврга эндигина назар ташлаётир. Ҳолбуки, собиқ шўро салтанатининг интиҳоси адабиёт ва тарих фани учун фавқулодда, оламшумул образлар, ҳайратомуз воқеа-ҳодисалар берувчи курашлар даври сифатида ўрганилиши жоиз.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Суҳбатдош: Баҳодир ЖОВЛИЕВ**

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗ — ИШОНЧИМИЗ ТАЯНЧИ

*Бугун республикамиз олий таълим муассасаларида алоҳида истеъдодга эга бўлган талабаларни махсус дастур ва режалар асосида ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қарши давлат университетида бу масалага жиддий ёндошиб келинмоқда. Университет ректорининг ташаббуси билан иқтидорли талабаларнинг билим олишдаги изланишларини қўллаб-қувватлаш, улардаги истеъдодни юзага чиқариш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномасидан унумли фойдаланиш мақсадида ўқиш ва жамоат ишларида юқори кўрсаткичларни қўлга киритган, аҳлоқи ва истеъдоди билан барчага ўрнак бўла оладиган иқтидорли талабаларни республикамиздаги етакчи, нуфузли олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари учун сафарга юбориш йўлга қўйилди. Ўтган ўқув йилида университетимизнинг физика-математика факультети талабаси, Беруний номли давлат стипендияси соҳиби Маҳмуд Жўраев Ўзбекистон Миллий университетига ўқишни давом эттириш учун юборилган эди. Биринчи йилдаги натижалар ёмон бўлмади. Маҳмуд ЎзМУда 3-курсни барчага ўрнак бўладиган кўрсаткичлар билан якунлади. Айни пайтда у Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясининг университет босқичи ғолиби бўлиб, иккинчи босқич танловларига қатнашиш учун тайёрланмоқда.*

*Янги ўқув йилида бу анъана яна давом эттирилиб, жорий йилда бошқа ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун 15 нафар талаба номзоди тавсия этилди. Ҳозирда улар республикамизнинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент дав-*



*лат жаҳон тиллари ва Москвадаги Плеханов номидаги иқтисодиёт университетининг пойтахтимиздаги филиалларида таҳсил олмоқдалар. Мазкур талабаларнинг кейинги фаолияти учун умумий жавобгарлик университет факультет деканлари зиммасига юклатилган.*

*Иқтидорли ёшларимиз ҳукуматимиз, қолаверса, ўқув юрти раҳбарияти томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келгусида ўз касбларининг етук билимдонлари бўлиб етишишларига ишончимиз комил.*

**Б.БАҲРИДДИНОВА,**
**университет иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи**

# МУВАФФАҚИЯТЛАРИМДА ИЛМНИНГ СЕҲРИ БОР

## 11 ёшли талаба иқрори

*Юртимнинг орзулари ойдин ёшлариданман. Келажагинг порлоқ бўлишига шубҳа қилмай яшаш нақадар бахт. Зеро, ҳар қандай ҳадик кишидаги умидни сўндиради. Умидсиз инсоннинг эса ҳаётда яшаши мушкул. Ҳа, мен Ватаним эртасининг истиқболига ишонаман. Бу ишонч эса нурли келажагим гарови. Шу боис юртимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, элимиз фаровонлиги, унинг тараққиётига ўзимнинг кичик бўлсада ҳиссамни қўшиш мақсадида ўқимоқдаман, изланмоқдаман. Зотан, дунё халқлари билан тенгма-тенг муносабатга кириш, ватанимиз шаъни-шарафини юксакларга кўтариш учун теран билимга эга бўлмоғимиз талаб қилинади.*

*Устозим айтади: "Ўқиган инсон кам бўлмайди". Дарҳақиқат, илм — хазина, куч-қудрат демакдир. Бунга ўз ҳаётим давомида кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Энг аввало, изланишларим самараси ўлароқ 11 ёшимда умумий ўрта таълим мактабини аъло баҳоларга якунлаб, тенгдошларимдан роса 6 йил олдин олий ўқув юрти талабаси бўлиш бахтига эришдим. Бундан ташқари, иккита шеърий тўпламим — "Таъзим" ва "Шукрона"ни кутубхоналарга тақдим этдим. Эҳтимол, ижодим ҳали ғўрдир. Бироқ уларнинг аҳамияти мен учун катта. Чунки улар ижодимнинг илк куртаклари. Албатта, келгусида уларнинг гуллашига, мева беришига ишонаман. Бу ишонч эса мени ҳамиша изланишга чорлайверади.*

*Муваффақиятларимни асло кўз-кўз қилмоқчи эмасман. Фақат истардимки, тенгдошларим, умуман, юртимиз ёшлари илмнинг сеҳрини англашсин. Ҳукуматимиз томонидан ана шу тилсим эгаси бўлишимиз учун барча имконият эшиклари очиб берилганлигини ҳис қилишсин, дейман.*

**Ҳилола САИДОВА,**
**ҚДУ талабаси**

# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ — ЗАМОНАВИЙ ИЛМ ЎЧОҒИДА

Дунёда ахборот алмашинувига, энг янги маълумотлардан хабардор бўлишга эҳтиёж кенгаяётган айни паллада юксак коммуникация технологияларидан фойдалана олмайдиган мутахассис кадрлар тайёрлаётган ҳар қандай таълим муассасасини ҳеч иккиланмай замон талабига жавоб бермайди, деб айтиш мумкин. Зеро, аввал бошдан башорат қилинганидек, XXI аср — ахборот асри. Шу боис университетимизда таҳсил олаётган ёшларимизнинг юксак салоҳиятли мутахассислар бўлиб етишишлари учун кенг кўламли ишлар олиб бормоқда. Бунинг далили сифатида университетимизда 2002 йилдан буён фаолият кўрсатаётган компьютер марказини келтириш мумкин. Аввало, компьютер марказининг моддий-техника базаси яхшиланди. Компьютер маркази янги синф хоналарини қўшиш ҳисобига кенгайтирилди ва бу хоналарга Dell, Compaq ва Gateway компанияларининг, шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий компьютерлар ҳисобига 4 та компьютер синфи ва ўқитувчилар учун алоҳида компьютерлар хонаси ташкил этилди. Ҳозирда компьютер марказидаги компьютерлар сони 100 тадан ортиқ бўлиб, барча компьютер синфлари интернет тармоғига уланган. Бу эса университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари учун ўз билимларини оширишларида интернет ахборотларидан фойдаланишга имконият яратади. Бундан ташқари, университетнинг Web-сайти ишлаб чиқилиб, UZPAK серверига жойлаштирилди. Ҳозирги кунда бу Web-сайтни янгилаш устида иш олиб борилмоқда.

Эътиборлиси, компьютер марказида университетнинг электрон кутубхонаси ташкил этилган. Унда 2000 дан ортиқ маърузалар матни жамланган бўлиб, маърузаларнинг катта қисмини ЎзМУда жамланган маърузалар тўплами ва ўзимизнинг университет профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган маъруза матнлари ташкил этади. Бундан ташқари, бу кутубхонага математик анализ бўйича дарсликларнинг электрон варианти ва интернетдан кўчириб олинган 50 га яқин ўқув материаллари ҳам жойлаштирилган. Ҳозирги кунда ушбу кутубхонадан фойдаланувчилар учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш устида иш олиб борилмоқда. Турли олий ўқув юртлари билан мунтазам равишда видеоконференциялар ўтказиш учун яратилган шароит эса талабаларимизнинг ҳатто хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларидаги ўтилаётган дарсларда ҳам гўё ана шу аудиторияда ўтиргандек ҳис этишларига имкон беради. Бу эса улардаги билим олишга бўлган қизиқишни ошираётганлиги шубҳасиз.



Шунингдек, компьютер марказида пуллик компьютер курслари мунтазам ишлаб турибди. Ўтган йил давомида бу курсларни 250 нафардан ортиқ тингловчилар тугатди. Шу билан бирга вилоят ҳокимлиги билан ўзаро тузилган шартномага асосан 20 нафардан ортиқ раҳбар ходимлар айни бизнинг марказимизда компьютер сирларидан воқиф бўлишди. Асосийси, бозор иқтисодиёти шароитида ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш мақсадида университет атрофидаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари марказда бепул компьютер сабоқларидан дарс олишиб, компьютер оператори мутахассислиги бўйича сертификатларга эга бўлдилар.

Албатта, ҳали олдимизда бажарилиши лозим бўлган вазифалар талайгина. Уларнинг асосийси университетнинг ягона компьютер тармоғини ташкил этиш ишларини якунлаш ва ректорат бўлимлари, факультет деканлари ва кафедраларини ҳам интернет билан боғлашдир.

**О.ТУРҒУНОВ,**
**марказ директори, техника фанлари номзоди**

*Спортнинг турлари кўп. Бироқ ўзбек кураши спортнинг ўзига хос бир тури бўлиши билан бирга халқимиз руҳиятини ўзида акс эттирувчи қадим қадрият ҳамдир. Республикамиз мустақиллигидан сўнг ҳукуматимиз томонидан ўзбек курашининг ривожланишига, умуман, жаҳон спорт майдонларига чиқишига йўл очилди. Президентимиз ташаббуслари билан ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионатлари ўтказила бошланди.*

*Азал-азалдан қадим Қашқа воҳаси полвонлар юрти ҳисобланган. Бу эл ўғлонлари танти, жасур, мард келган. Амир Темур бобомиз хос лашкарларининг аксарияти шу замин фарзандларидан ташкил топганлигининг сири ҳам шундан бўлса ажабмас. Оққан дарё оқмасдан қолмайди, деганларидек, Қашқадарё вилоятида қалби оташ ўғил-қизлар камол топмоқда. Буни университетимизга илм истаб келаётган ҳар бир ёш нигоҳидан уқиб олиш қийин эмас. Шу боис олий ўқув юртида жорий йилда "Кураш маркази" очилди. Бунга университет раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, марказ фа-*

# 52 НАФАР ТАЛАБА — «ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ»

*олиятини такомиллаштириш, спорт инвентарлари билан етарлича таъминлаш мақсадида 17 миллион сўм маблағ ажратилди.*

*Айни кунда кураш марказида кўплаб спортчи ёшлар тайёргарлик машғулотларини ўтаётган бўлиб, уларга кураш бўйича жаҳон чемпиони Исоқ Аҳмедов каби кўзга кўринган спорт усталари дарс ўтишмоқда. Эътиборлиси, университетимиз кураш мактабидан чиққан ёш паҳлавонлар нафақат олий ўқув юрти, балки вилоят, республика ҳатто, жаҳон спорт майдонларида ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар. Жумладан,*



*университетимизнинг 3-босқич талабаси Моҳира Нуралиева 2002 йил Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида самбо бўйича олтин медални қўлга киритган бўлса, спортнинг мазкур тури бўйича жаҳон биринчилигида иштирок этган талабамиз Обида Алладўстова бронза медалига сазовор бўлди. Бундан ташқари, университетимиз талабалари орасидан турли спорт турлари бўйича 52 нафар "Ўзбекистон чемпион"лари таҳсил олаётганлиги қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдиради.*

**Нормуҳаммад ЖАЛИЛОВ,**
**жисмоний маданият факультети декани**

## БМТ: ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЙИҒИЛИШИ

**БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Дамашқнинг талабига кўра навбатдан ташқари йиғилиш ўтказди. Бунинг асосий сабаби Исроил Сурияга нисбатан ҳаво ҳужумини уюштирганлигидир. Исроил ҳукумати ушбу зарбаларни Хамас террорчилик ҳаракатининг лагерларига уюштирганини таъкидламоқда. Сурия давлати эса ўз навбатида Исроилни босқинчилик ҳаракатларида айбламоқда. Расмий Вашингтон ҳозирча иккала давлат тинчликни сақлаши ва террорчиларга бошпана бераётган ҳар бир давлат мудҳиш сиёсий хато қилаётганини билдирди. АҚШ ҳукумати ўз навбатида Сурияни анчадан бери террорчиларни қўллаб-қувватлаётганида айблаб келаётган эди. АҚШ разведкасининг хабар беришича, Сурия давлати анчадан бери ўз ҳудудида террорчилик лагерларини сақлаб турган ва у ерда террорчилар тайёрланган. Расмий Сурия эса террорчиларга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ва ўз ҳудудида ҳеч қандай террорчилар тайёрланмаслигини айтиб ўтмоқда.**



## ДУНЁДА КАМБАҒАЛЛАР СОНИ КЎПАЙИБ КЕТМОҚДА

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хабар беришича, ҳозирги кунда дунёда 1 миллиард бошпанасиз камбағал ва қашшоқ одамлар кун кечирмоқда. БМТ мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, 30 йиллардан кейин бу рақамлар икки баробар кўпайиши мумкин. БМТ ходимларининг айтишича, техник ривожланиш ва глобализация даврида бошпанасизларнинг бу қадар кўпайиб кетиши инсоният учун ниҳоятда уятли ҳолатдир. Муаммони текшириш пайтида дунёнинг 37 та шаҳридаги вазият ўрганиб чиқилди. Бошпанасизларнинг асосий қисмини муҳожирлар ташкил этади. БМТнинг ушбу муаммолар билан шуғулланадиган бўлими бошлиғи Анна Тибаюка, дунё раҳбарлари 2020 йилгача бошпанасизларни моддий қўллаб-қувватлашга ва ижтимоий аҳволни яхшилашга ваъда беришмоқда, деди ўз ҳисоботида.**

## ЧЕЧЕНИСТОНДА САЙЛОВ

**Ҳисоб-китобларга қараганда, Чеченистон республикасининг президентлигига бўлган сайловларда сайловчиларнинг 82,5 фоизи ўз овозларини республиканинг ҳозирги раҳбари Аҳмад Қодировга беришган. Чеченистондаги сайловларда аҳолининг 90 фоизи қатнашди. Сайловлар тинч ва осойишта шароитда бўлиб ўтди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган кузатувчилар айтишича, сайлов мобайнида ҳеч қандай қонунбузарликлар кузатилмаган. Сайлов участкаларининг ҳар биттаси алоҳида зобитлар томонидан бир неча кун қаттиқ ҳимояга олинган. Аҳмад Қодировдан ташқари бу лавозимга яна 6 кишининг номзоди қўйилган эди.**



## ТУРКИЯ ИРОҚҚА ҚЎШИН ЮБОРИШИ МУМКИН

**Туркия ҳукумати Ироққа қўшин юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Бу масала АҚШ расмийлари томонидан кўтарилган эди. Аммо ҳозирча Туркия парламенти бу масала бўйича тўлиқ қарор қабул қилгани йўқ. Туркия ҳукумати ҳозирча аскарларни бир йил муддатга юборишга келишишди. Аммо масаланинг молиявий тарафи ҳам бор. Бир йил Ироқда зобитларни сақлаб туриш Туркия ҳукуматига мўмайгина маблағга тушади. Бир неча ҳафта олдин АҚШ ҳукумати Туркиядан 10 мингга яқин зобит сўраган. Лекин Ироққа ҳозирча неча зобит юборилиши номаълум. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Анқара кўчаларида кўплаб намойишлар бўлиб ўтмоқда. Намойишчиларнинг талабига кўра Туркия аскарлари АҚШ бошлаган босқинчилик урушида қатнашмаслиги керак. Владимир Путиннинг айтишича: Ироқда тезлик билан ҳукумат тузиш керак ва давлат бошқарувини ўз ҳукуматига юклаш лозим. Бўлмаса Ироқ иккинчи Афғонистонга айланиб кетиши мумкин.**



## ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ САВДОЛАР

**CNN ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШ мудофаа вазирлиги, яъни Пентагон ўзининг Интернет сайтлари орқали бактериологик қуроллар яратиш имконини берадиган асбоб-ускуналар сотган. Асбоб-ускуналар муддати ўтган бўлса-да, ҳозирча улардан бактериологик қурол яратишда фойдаланиш мумкин бўлган. Бу масала атрофида катта шов-шув вужудга келди. Ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда. АҚШ конгресси хизматчиларидан бири айтишича, Пентагон хизматчилари бу асбоб-ускуналарни ниҳоятда арзон нархда сотишган, ваҳоланки ушбу асбоб-ускуналар жаҳон бозорида жуда қиммат туради.**



## ЛАТВИЯДА БОЛАЛАР НАМОЙИШ ЎТКАЗДИ

**Шу ҳафта Латвия кўчаларидан бирида болалар намойиш ўтказди. Намойиш қатнашчилари рус болаларидан ташкил топган бўлиб, ўз мактабларида ҳуқуқлари поймол бўлаётганини билдиришди. Намойишни кузатиб борган полиция ходимлари намойишчиларнинг талабларини инобатга олдилар ва тинчлик билан уларни уй-уйларига тарқатиб юбордилар. Бундай намойишлар Латвия кўчаларида учраб турадиган оддий ҳолат, деди полиция ходими.**

## ЯМАЙКА ДАВЛАТИ ҚИРОЛИЧАСИДАН ВОЗ КЕЧАДИ

**Ямайка давлатининг бош вазири Пи Джея Паттерсон Ямайка давлати мустақил республика бўлиши керак, деб таъкидлади.**

**Ҳозирги кунда Ямайка давлатининг раҳбари Буюк Британия қироличаси Елизавета II ҳисобланади. Бош вазир Паттерсон, Ямайкада мустақил президентлик сайловлари ўтказиш кераклиги ҳақида гап очди. Янги конституцион давлат тузиш ислоҳотлари тўрт йилларча давом этади, деди Паттерсон. Ямайка 1962 йилда Буюк Британиянинг мустамлакасидан озод бўлган эди. Аммо Ямайка Елизавета II назорати остида қолган.**

**С.ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Қашқадарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Р.Раҳимовга онаси

**НАРЗИОЙ ая**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарияти ва таълим муассасалари раҳбарлари Қашқадарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Рўйиддин Раҳимовга волидаи муҳтарамаси

**НАРЗИОЙ ая**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшма қўмитаси жамоалари Алишер Навоий номидаги 40-мактаб математика фани ўқитувчиси

**Барно ОДИЛОВА**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

*8-oktabr — xalqaro Tabiiy ofatlar xavfini kamaytirish kuni*

# ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сонли қарорига мувофиқ, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошида Фуқаро муҳофазаси институти ташкил этилган эди. Шу вақт мобайнида бу даргоҳда амалга оширилган ишлар ҳақида Фуқаро муҳофазаси институтининг илмий ишлар бўйича бошлиқ муовини, подполковник Анварбек Нурхўжаев қуйидагиларни сўзлаб берди:**

Институтни ташкил этишдан мақсад — Ватанимиз давлат тизими органлари ва маҳаллий ҳукумат раҳбарларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишга, агар бундай вазиятлар содир бўлгудек бўлса, тўғри ҳаракат қилишга кўникма беришдан иборат эди. Ўтган қисқа вақт ичида Фуқаро муҳофазаси институтининг профессор-ўқитувчилари мазкур масала юзасидан республикамизда кенг қамровли ишларни олиб боришди. Айниқса, 2000-2002 йиллар илмий-услубий, кўргазмали ўқув қўлланмалари яратиш бўйича туб бурилиш йиллари бўлди.

Ҳозирги замон ўқув тизими талабларига мос келувчи "Фуқаро муҳофазаси масалалари бўйича тайёрлаш" дастури яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Мазкур ўқув дастури давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларини, ҳуқуқий шахсларни фуқаро муҳофазаси бўйича тайёрлашга асосланган. Намунавий ҳисоблаган дастур негизидан 40 ва 80 соатли ўқув дастурлари Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан келишилган ҳолда тузилган.

Институт миқёсида таҳсил олаётган тингловчилар билан дарс олиб боришда асосан амалий жиҳатга эътибор берилади. Бунда ҳар бир тоифа (вилоят, туман, шаҳар ҳоким муовинлари, эвакуация, барқарорлик комиссиялари раислари, фуқаро муҳофазаси бошлиқлари ва мутахассислари, Олий таълим ўқитувчилари) учун олиб борилаётган иш фаолиятининг йўналишига қараб, тингловчиларнинг географик ўрни (турли вилоятларда фавқулодда вазиятлар рўй бериши) эътиборга олиниб сабоқ берилади.

Ўқув ишлари борасида оширилган хайрли ишлардан бири янги педагогик технологиялар асосида дарс олиб боришдир. Бунинг учун институтнинг бир гуруҳ ўқитувчилари Низомий номидаги Тошкент педагогика университетида махсус курсни туғаллаб келишди. Янги педагогик технологиянинг афзаллиги шундан иборатки, тингловчиларни мустақил фикрлашга, нохуш ҳолатлардан тезкор ва хотиржам чиқиб кетиш йўлларини излаб топишга ундайди.

Институт профессор-ўқитувчилари ўқув қўлланмалар фондини бойитиш йўлида ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Фуқаро муҳофазаси масалалари бўйича ўқув дастурига кирган барча мавзуларнинг маъруза матнини яратиш ва нашр этиш йўлга қўйилди. Ана шу маърузалар фонди умумлаштирилиб, ягона қўлланма сифатида чоп этилди.

Табиийки, фуқаро муҳофазаси масалаларининг аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиниши хавфсизлик маданияти юксалишига олиб келади. Буни ҳисобга олган профессор-ўқитувчилар жамоаси шу соҳада кенг миқёсдаги ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, "Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганида ва содир бўлганида аҳолининг ҳаракати" мавзуидаги кўргазмали плакатлар мажмуаси яратилди ва барча вилоятларга етказиб берилди. Галдаги вазифалар шу плакатлар асосида ўқув ишларини йўлга қўйиш ва амалий кўникмаларга эга бўлишдир.

Институт миқёсида шу кунгача 14000 дан ортиқ раҳбар ходимлар фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарликдан ўтди.

Фуқаро муҳофазаси масалаларини ўқувчи-ёшлар орасида тарғиб қилиш ҳам кун тартибидаги масалалардан биридир. Бу борада институт профессор-ўқитувчилари умумтаълим мактаблари учун "Инсон хавфсизлиги асослари" дастури асосида ўқув қўлланмалари яратишга киришишган. Жумладан, умумтаълим мактабларида ушбу курсдан дарс берувчи ўқитувчилар учун "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" услубий қўлланмаси (муаллиф З.Илёсова) яратилди.

Бошланғич синфлар учун ўқув қўлланмаси туғалланиш арафасида. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, умумтаълим мактабларида олиб борилаётган тарқоқ ҳолдаги "Инсон хавфсизлиги асослари", "Йўл ҳаракати қоидалари", "Саломатлик ва соғлом авлод асослари" курсларини ягона ҳаёт хавфсизлиги предметига айлантириш вақти келди. Боз устига 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб республикадаги педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларида умумтаълим мактаблари учун ҳаёт хавфсизлиги асосларидан дарс берувчи ўқитувчиларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Фуқаро муҳофазасининг илмий-техник масалаларини ҳал қилиш ҳам институт профессор-ўқитувчиларининг диққат марказида турганини айтиб ўтиш жоиз. Шу кунгача "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари" мавзуси бўйича икки марта Республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди (2000-2001 й.). Анжуман ишида республикамизнинг етакчи илмий даргоҳларидан ташқари Россия, Украина ва Қозоғистон республикаларининг нуфузли ташкилотларидан мутахассислар иштирок этишди. Шунингдек, республика миқёсида ўтказилаётган хавфсизлик масалаларига доир илмий анжуманларда институт ходимлари фаол иштирок этишмоқда.

Фавқулодда вазиятларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш бўйича институтда алоҳида ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, шу ўтган вақт мобайнида фавқулодда вазиятларда хавфсизлик масалаларига доир 7 та Давлат стандартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқдан ўтди. Бундай ишлар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Республика Фан ва технологиялар маркази билан ҳам узвий алоқа боғланган бўлиб, жорий йилнинг ўзида марказнинг учта грантига сазовор бўлишга эришилди ҳамда "Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза асослари" ўқув қўлланмаси (2001 й.) марказнинг молиявий ёрдамида нашр этилди.

Фуқаро муҳофазаси масалаларини кўргазмали қуроллар асосида тарғиб қилиш борасида умумтаълим мактаблари, кенг аҳоли оммаси ҳамда тармоқ ташкилотлари учун махсус плакатлар мажмуаси ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

Юқорида биз санаб ўтган долзарб масалаларни ҳал қилишда Фуқаро муҳофазаси институтида фаолият кўрсатаётган 3 нафар фан доктори, 8 нафар фан номзодлари ҳамда моҳир педагоглар жамоасининг ҳиссаси беқиёс.

**Азамат СУЮНОВ ёзиб олди.**

# ДОЛЛАР ВАСВАСАСИГА УЧГАНЛАР

Кейинги вақтларда фуқароларни чет элларга турлича алдов йўллари билан олиб чиқиб, улардан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолатлари содир этилмоқда. Айниқса, аёллардан шаҳвоний мақсадларда ва арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш юртимиз шаънига ва ўзбек миллати обрўсига иснод келтирмоқда.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, фуқароларимизнинг ёмон ниятли кимсалар томонидан алданиб қолишларига йўл қўймаслик ва бу турдаги жиноятларга қарши курашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Масалан, Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида шу туманнинг Али Қушчи кўчасида яшовчи 1954 йилда туғилган Т. бухоролик 21 ёшли Ф.А. ҳамда унинг тенгдоши Д.Х.ларни алдаб, уларни чет давлатларга фоҳишалик билан шуғулланиш учун ёллаб қизлардан 400 АҚШ долларини олаётган вақтида ушланди. Сал кам элликка кирган бу қўшмачи аёлга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида шу туманнинг Ибн Сино кўчасида яшовчи 1947 йилда туғилган Р.Х. ва Тошкент шаҳри С.Раҳимов туманида яшовчи 1955 йилда туғилган Н.М.ларнинг фуқаро Г.Э. ва Н. исмли аёлларни алдаш йўли билан ёллаб Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳри орқали фоҳишалик билан шуғулланиш учун юборганликлари аниқланган.

Аёлларни чет элга юбориб улар ортидан мўмай даромад орттирмоқчи бўлган қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Айрим фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги пастлиги, айниқса, хорижий давлатларга чиқиб ишлаш тартиб-қоидаларидан етарли хабардор эмаслиги натижасида улар осонгина пул топиш, мўмай даромад орттириш пайида юрган айрим нопок шахсларнинг қармоғига илиниб қолмоқдалар.

Натижада алдовлар қурбони бўлиб, хорижий давлатларда сарсон-саргардон бўлган бундай юртдошларимиз бир амаллаб ўз уйларига келиб олгач, ўзларини алдаган кишиларга нисбатан чора кўрилишини сўраб ички ишлар идораларига мурожаат қилишмоқда.

*Afsus*

Фарғона шаҳрининг Жомий кўчасида яшовчи 1970 йилда туғилган Ш.М.Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимларига ариза билан мурожаат қилиб, 2002 йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳри Серов кўчасида яшовчи 1941 йилда туғилган М.А. деган аёл уни алдаб Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига олиб бориб фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилганлигини билдириб, унга нисбатан чора кўрилишини сўраган эди. Мазкур ҳолат юзасидан М.А.га нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Юқоридаги мисоллардан айрим содда қиз ва аёлларнинг фирибгарлар тузоғига илиниб, алдовлар гирдобида қолиб азият чеккани кўриниб турибди. Аммо суриштирувлар жараёнида уларнинг мўмай доллар ишлаб топиш илинжида шу йўлга тушгани аниқланди. Демоқчимизки, ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарози деган гапда ҳикмат кўп.

## ДОЛЛАРФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Қашқадарё вилояти Қарши туманида ўтказилган тадбирлар натижасида "Чўли от" ширкат хўжалигида яшовчи А.М. уйида 1000 АҚШ долларини Қарши давлат университети 4-босқич талабаси Н.Ж.га 1 миллион 40 минг сўмга сотаётганида ушланган.

Терговни ички ишлар ходимлари олиб бормоқда.

Хоразм вилоятининг Шовот туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 1-сон ўрта мактаб ўқитувчиси Қ.О. ишламайдиганлар Ё.М. ва А.С.лар билан

## ГЕРОИНХЎРЛАР

бирга ака-ука Мақсуд ва Бахтиёр П.лардан 25,83 грамм героинни 900 минг сўмга сотиб олаётганларида ушланганлар.

**Ш.РЎЗИЕВ, милиция майори**

# ЖЕНЕВАГА ЙЎЛ ОЛГАН ЙИГИТ

**унинг инглиз тилида ёзган эссеси халқаро форум ташкилотчиларига маъқул тушди**

Эркин Қосимов Тошкент ахборот технологиялари университети магистранти. I-курсга қабул қилинган Эркин бакалаврлик босқичидаёқ иқтидорли талабалар рўйхатида турар, ўқиши, хулқи, жамоат ишларидаги фаоллиги билан ҳурмат-эътибор топган эди.

Ўтган йилнинг октябрь ойи бўлса керак, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан компьютернинг "тили"ни мукаммал биладиган, инглиз тилини "сув" қилиб ичган ёшлардан бир нечтасини саралаб олиш топшириғи берилди. Улар бир ой давомида "чертиб-чертиб" танлангач, агентликка исм-фамилиялари тавсия қилинди. Агентликнинг халқаро алоқалар бўлими номзодларни саралаш учун уларга инглиз тилида эссе ёзишларини топширди.

Инглиз тилидаги бу эсселарда номзодларнинг компьютер технологияси ҳақидаги билим ва тасаввурлари кенг кўламда ифодаланиши лозим эди. Бунга кимнинг қанчалик даражада эришганлиги текширувдан сўнг аён бўлди. 4 кишининг эссеси мазмунли, теран фикрга эгалиги билан ажралиб турарди.

4 номзоднинг эссеси Женевага жўнатилди. Бир йил аввал тайёргарлиги бошланган ёшлар анжумани бутун дунё миқёсида ўтказиш режалаштирилган бўлиб, у "Ахборот ҳамдўстлигини қуряпмиз" мавзусида эди. 28 августда Женевадан агентликка ёзма хабарнома келди. Унда 4 кишидан икки номзод — Эркин Қосимов ва Юля Шегай бу анжуманга таклиф қилинган эди.

Эркин ва Юля 9-18 октябрь кунлари Женевада бўладиган халқаро ёшлар анжуманига Ўзбекистондан вакил бўлиб боришади. Албатта, улар бир олам таассурот билан қайтишса керак.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

# ЁЗГИ БИАТЛОН

*Россиянинг Санкт-Петербург ва Италиянинг Милан шаҳарларида ёзги биатлон бўйича Европа ҳамда Жаҳон биринчилиги мусобақалари ўтказилди.*

*Ушбу нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Самарқанд Давлат университетининг жисмоний тарбия факультети I-курс талабаси, спорт устаси Руслан Носиров, Самарқанд Кооператив олийгоҳининг молия факультети 4-курс талабаси Эвилина Мамедова ва Сиёб туманидаги 1-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Зарема Мамедовалар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилдилар.*

*Европа биринчилигида Руслан Носиров 6 км масофадаги мусобақада Европанинг энг кучли биатлончилари билан тенгма-тенг кураш олиб бориб, маррага иккинчи етиб келди ва кумуш медал билан тақдирланди.*

*Зарема Мамедова 6-ўринни, Эвилина Мамедова 8-ўринни эгалладилар.*

*Европа биринчилик мусобақаси якунлангандан сўнг биатлончиларимиз Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Россиянинг пойтахти Москва шаҳрида Жаҳон биринчилиги мусобақасига ҳозирлик кўриш учун ўқув-тайёргарлик машғулотларида иштирок этдилар.*

*Милан шаҳрида ўтказилган Жаҳон биринчилигида Эвилина ва Зарема Мамедовалар кучли олтилик, Руслан Носиров эса саккизлик сафидан ўрин олиб, Ўзбекистон жамоасига қимматли очколарни келтирдилар.*

*Биатлончиларимизнинг мураббийлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Василий Пашенко ва вилоят халқ таълими қошидаги енгил атлетика спорт мактаби мураббийи Азиз Мамедов.*

**М.АҲМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози**

# ҲАКАМ МУСОБАҚАДАН ҚАЙТДИ

Шу йилнинг сентябрь ойида Москвада оғир атлетика бўйича "Уч баҳодир" — Россия Гран — при мукофоти учун Халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда 17 та давлатдан келган энг кучли оғир атлетикачи эркаклар ва аёллар иштирок этдилар.

Ушбу турнирда Россия оғир атлетика Федерациясининг Президенти Н.Пархоменконинг таклифига биноан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, оғир атлетика бўйича халқаро тоифадаги ҳакам Мамажон Аҳмедов ҳам иштирок этиб, босқич мусобақаларида ҳакамлик қилиб қайтди.

Мусобақада "Уч баҳодир" Гран — при мукофотини Россия спортчилари қўлга киритган бўлсалар, Латвия, Австрия, Эстония, Қозоғистон давлатларидан келган спортчилар совринли ўринларни эгалладилар.

**МУХБИРИМИЗ**

